

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

21-сон
(57)
2002 й.
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўпلامнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

162. «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги ПФ-3093-сон Фармониға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 4 ноябрдаги ПФ-3157-сон Фармони
163. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармониға ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 5 ноябрдаги ПФ-3158-сон Фармони
164. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармониға қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 ноябрдаги ПФ-3159-сон Фармони
165. «Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш устидан назоратни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 13 ноябрдаги ПФ-3161-сон Фармони
166. «Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 15 ноябрдаги ПФ-3162-сон Фармони

Учинчи бўлим

167. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ки-

- ритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 379-сон қарори
168. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сон қарори [Кўчирма]
169. «Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 385-сон қарори
170. «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон қарори [Кўчирма]
171. «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 391-сон қарори
172. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш устидан назоратни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги ПФ-3161-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 393-сон қарори
173. «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сон қарори

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

162 «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги ПФ–3093-сон Фармониغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини самарали ташкил этишни, унинг республика марказий иқтисодиёт органлари билан ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш даражасини оширишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети ва макроиқтисодий кўрсаткичлар лойиҳасини шакллантириш жараёнини чуқур ўрганиш, уларни ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларига, ўртага қўйилган сиёсий ва стратегик вазифаларга, қабул қилинган мақсадли, комплекс дастурларга тўла-тўқис мос келиши нуқтаи назаридан танқидий баҳолаш;

Давлат бюджети ижроси ҳамда давлат маблағларининг сарфланиши, биринчи навбатда бюджет маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил этиш ва таъминлаш, давлат харажатларини қисқартириш захираларини аниқлаш. Марказда ва жойларда бюджет маблағларидан мақсадли (белгиланган мақсадда) ва қонуний фойдаланишни текшириб, улардан фойдаланишдаги қоидабузарлик ва суиистеъмолчилик фактларини аниқлаш ҳамда бундай ҳолларнинг олдини олиш чораларини амалга ошириш;

маҳаллий бошқарув идоралари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзларининг жойларга топширилаётган ҳокимият ваколатларини амалга оширишлари учун уларга реал молиявий ресурслар ажратиб бериш, жамиятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда уларнинг ролини ошириш вазифасини ҳал этишдан келиб чиққан ҳолда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатни мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Давлат бюджети тўлдирилиши устидан назоратни амалга ошириш, бюджетнинг даромад қисми моддалар бўйича ижро этилишига баҳо бериш, белгиланган истиқбол (режа) кўрсаткичлар бажарилмагани ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш. Иқтисодиётда содир бўлаётган тенденцияларни ўтказиб келинаётган солиқ сиёсати билан ўзаро боғлаган ҳолда мунтазам ва чуқур таҳлил этиш, илғор солиқ сиёсатини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ўтказилаётган пул-кредит сиёсати, миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг харид қобилиятини ошириш, пул массаси ва пул таркибини мақбуллаштириш, банкдан ташқари пул айланишини кескин қисқартириш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни чуқур таҳлил этиш ва баҳолаш. Пулнинг қадрсизланишига қарши фаол ва таъсирчан сиёсат амалга оширилишини, ички бозорнинг товар ресурслари билан тўлдирилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

олтин-валюта захираларининг ҳолати ва ҳаракати устидан назоратни амалга ошириш, ташқи активларни бошқариш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳлил этиш ҳамда уларни хорижий банкларда самарали жойлаштириш ва қайта жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, олтин-валюта захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ўтказиладиган операциялар устидан назоратни таъминлаш;

ташқи савдо ва тўлов баланслари шаклланишини ҳамда ижросини чуқур таҳлил этиш. Товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти истиқбол (режа) кўрсаткичи ба-жарилиши, маҳсулот импортининг мақбуллаштирилишини таъминлаш, ташқи савдо-да ижобий сальдога эришиш устидан мониторингни амалга ошириш;

ташқи қарзларнинг ҳажмлари ва мақсадга мувофиқлигини танқидий баҳолаш, Ҳукумат томонидан ёки Ҳукумат кафолати остида олинган ташқи кредитлар ўз вақтида қайтарилишини қаттиқ назорат қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакат иқтисодиётига инвестициялар-нинг умумий ҳажмида уларнинг улушини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида янги тахрирдаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбе-кистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги ПФ-3093-сон Фармони 2-банди, 3-бандининг иккинчи хатбоши, шунингдек мазкур Фармоннинг 2-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси С.Б. Раҳимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 4 ноябрь,
ПФ-3157-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2002 йил 4 ноябрдаги
ПФ-3157-сон Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июнда-ги ПФ-3093-сон ва 2002 йил 4 ноябрдаги ПФ-3157-сон Фармонларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (қуйида «Ҳисоб па-латаси» деб юритилади) асосий вазифалари ҳамда ваколатларини белгилаб беради.

2. Ҳисоб палатаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот беради.

3. Ўз фаолиятида Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармо-

йишларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ҳукуматининг қарорларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Ҳисоб палатаси мустақил орган бўлиб, баҳо беришда мустақил ва холисдир, у Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ижроси, давлат активлари ва пасивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, олтин-валюта захиралари ва ташқи қарзларни бошқариш ҳамда тасарруф этиш мониторинга ва давлат назоратини амалга оширади.

5. Ҳисоб палатаси ўзига берилган ваколатлар доирасида қабул қилган қарорлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар, идоралар, мулкчилик шаклидан ва кимга бўйсунушидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар ва мансабдор шахслар томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

6. Ҳисоб палатаси ўз зиммасига юкланган вазифаларни қонунийлик, холислик, мустақиллик ва ошқоралик тамойиллари асосида амалга оширади.

II. Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари

7. Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Давлат бюджет ва макроиқтисодий кўрсаткичлар лойиҳасини шакллантириш жараёнини чуқур ўрганиш, уларни ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларига, ўртага қўйилган сиёсий ва стратегик вазифаларга, қабул қилинган мақсадли, комплекс дастурларга тўла-тўқис мос келиши нуқтаи назаридан танқидий баҳолаш;

Давлат бюджети ижроси ҳамда давлат маблағларининг сарфланиши, биринчи навбатда бюджет маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил этиш ва таъминлаш, давлат харажатларини қисқартириш захираларини аниқлаш. Марказда ва жойларда бюджет маблағларидан мақсадли (белгиланган мақсадда) ва қонуний фойдаланишни текшириб, улардан фойдаланишдаги қоидабузарлик ва суиистеъмолчилик фактларини аниқлаш ҳамда бундай ҳолларнинг олдини олиш чораларини амалга ошириш;

маҳаллий бошқарув идоралари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзларининг жойларга топширилаётган ҳокимият ваколатларини амалга оширишлари учун уларга реал молиявий ресурслар ажратиб бериш, жамиятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда уларнинг ролини ошириш вазифасини ҳал этишдан келиб чиққан ҳолда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатни мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Давлат бюджети тўлдирилиши устидан назоратни амалга ошириш, бюджетнинг даромад қисми модалар бўйича ижро этилишига баҳо бериш, белгиланган истиқбол (режа) кўрсаткичлар бажарилмагани ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш. Иқтисодиётда содир бўлаётган тенденцияларни ўтказиб келинаётган солиқ сиёсати билан ўзаро боғлаган ҳолда мунтазам ва чуқур таҳлил этиш, илғор солиқ сиёсатини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ўтказилаётган пул-кредит сиёсати, миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг харид қобилиятини ошириш, пул массаси ва пул таркибини мақбуллаштириш, банкдан ташқари пул айланишини кескин қисқартириш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни чуқур таҳлил этиш ва баҳолаш.

Пулнинг қадрсизланишига қарши фаол ва таъсирчан сиёсат амалга оширилишини, ички бозорнинг товар ресурслари билан тўлдирилишини назорат қилиш;

олтин-валюта захираларининг ҳолати ва ҳаракати устидан назоратни амалга ошириш, ташқи активларни бошқариш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни

тахлил этиш ҳамда уларни хорижий банкларла самарали жойлаштириш ва қайта жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, олтин-валюта захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ўтказиладиган операциялар устидан назоратни таъминлаш;

ташқи савдо ва тўлов баланслари шаклланишини ҳамда ижросини чуқур таҳлил этиш. Товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти истиқбол (режа) кўрсаткичи ба-жарилиши, маҳсулот импортининг мақбуллаштирилишини таъминлаш, ташқи савдо-да ижобий сальдога эришиш устидан мониторингни амалга ошириш;

ташқи қарзларнинг ҳажмлари ва мақсадга мувофиқлигини танқидий баҳолаш, Ҳукумат томонидан ёки Ҳукумат кафолати остида олинган ташқи кредитлар ўз вақтида қайтарилишини қаттиқ назорат қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакат иқтисодиётига инвестициялар-нинг умумий ҳажмида уларнинг улушини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

8. Ҳукумат ёки у вакил қилган органлар олтин-валют захиралари билан опера-цияларни амалга ошириш бўйича томонлардан бири сифатида ҳаракат қиладиган барча қарорлар Ҳисоб палатаси билан келишилган ҳолда қабул қилиниши шарт.

III. Ҳисоб палатасининг функциялари

9. Ҳисоб палатаси асосий вазифаларга мувофиқ назорат, мониторинг ва таҳли-лий ишлар каби функцияларни, жумладан қуйидагиларни амалга оширади:

макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ ва пул-кредит соҳасидаги кўрсат-кичларнинг шаклланиш жараёнларини, уларнинг қонунчилик талабларига мувофиқ бўлишига риоя этилишини мунтазам суратда ўрганиш;

Давлат бюджети, унинг даромад ва харажат қисмлари асосий кўрсаткичлари ҳамда моддаларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш;

Давлат бюджети, солиқ тушумлари ва пул кўрсаткичлари ижросининг тасдиқ-ланган параметрларини тўғрилаш бўйича таклифларнинг асосли эканлигини ҳамда улар-нинг макроиқтисодиёт кўрсаткичларига таъсирини кўриб чиқиш;

минтақаларни ва умуман жамиятни ривожлантиришда маҳаллий бошқарув идо-ралари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш мақса-дида республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида энг мақбул нисбатга эришиш бўйича таклифларни таҳлил этиш ва баҳолаш;

минтақалар, тармоқлар ва корхоналар бўйича давлат маблағларини сарфлашда тасдиқланган кўрсаткичларга риоя қилмаслик ҳоллари аниқланган тақдирда текши-риш ўтказиб, улардан фойдаланишдаги қоидабузарлик ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

манбалар бўйича умуман ва минтақаларда бюджетнинг даромад қисми ижроси, солиқ ва божхона органларидан тўловларнинг тўлиқ келиб тушиши устидан монито-рингни амалга ошириш;

бюджет жараёнидаги чекинишларни таҳлил этиш ва ўрганиш, уларни бартараф этиш ҳамда бюджет қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

миллий валютани мустаҳкамлаш, пул қадрсизланишини камайтириш ҳамда иқти-содий ўсиш ва нархлар барқарорлиги кўрсаткичларининг мақбул даражада уйғунла-шувига эришиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш;

олтин-валюта захиралари, шу жумладан, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг ўрни қайта тўлдирилиши ва улар билан амалга ошириладиган операция-ларни назорат қилиш, нобудгарчилик ва суиистеъмолчилик йўллари ҳамда имкони-

ятларини бартараф этиш мақсадида давлатнинг олтин-валюта захиралари ҳаракатидаги барча жараёнлар ошқора бўлишини таъминлаш;

ташқи активларни бошқариш бўйича ҳисоботлар ва баланс ҳисоб-китобларини таҳлил этиш, олтин-валюта захираларини хорижий банкларда жойлаштириш ҳамда қайта жойлаштиришнинг асосли ва самарали эканлигини назорат қилиш;

давлат ташқи қарзини бошқариш устидан мониторингни амалга ошириш ҳамда бу қарз, биринчи навбатда Ҳукумат томонидан ва Ҳукуматнинг кафолати остида олинган кредитлар ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш;

экспорт салоҳиятини ривожлантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти истикбол (режа) кўрсаткичларини бажариш, маҳсулот импортини мақбуллаштириш, ташқи савдо ва тўлов балансларида ижобий сальдога эришишни таъминлаш чоратадбирлари рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

чет мамлакатларда давлат мулкани сотиш билан боғлиқ масалаларни таҳлил этиш ҳамда уларнинг назоратини таъминлаш;

республикада қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг конларини очиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича хорижий компанияларнинг таклифларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ёки унинг кафолати остида хорижий кредитлар ва қарзларни жалб этиш мақсадга мувофиқлиги ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини, халқаро молия бозорларида республиканинг қарз мажбуриятларини чиқаришни таҳлил этиш;

ўтказиб келинаётган бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва ташқи савдо сиёсати га таъсир қилувчи қонун ҳужжатлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш;

Ҳисоб палатасининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ҳисоб палатасининг зиммасидаги вазифалардан келиб чиқадиган масалалар бўйича таҳлилий ишланмаларни ташкил этиш ва амалга ошириш, улар асосида ҳисобот ва таклифларни тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кўриб чиқиши учун тақдим этиш.

IV. Ҳисоб палатасининг ваколатлари

10. Ҳисоб палатаси ўз зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича маълумот ва ҳужжатларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва банклардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур ҳолларда текширишларни ташкил этиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича ижро этиш учун мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш;

ўз ваколати доирасида текширишларни ўтказиш учун давлат органлари ва уларнинг вакилларини, нодавлат аудиторлик хизматлари ва айрим мутахассисларни текширишларда қатнашишга жалб этиш;

Ҳисоб палатаси билан олдиндан келишиб олинishi лозим бўлган барча масалалар бўйича тегишли хулоса бериш;

назорат тадбирларининг натижалари бўйича, қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органлари, корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини яхшилаш мақсадида таклифлар киритиш.

V. Ҳисоб палатаси фаолиятини ташкил этиш

11. Ҳисоб палатасининг тузилмаси ва ходимлар сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланади.

12. Ҳисоб палатасига Ҳисоб палатасининг Раиси бошчилик қилади, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

13. Ҳисоб палатаси Ҳисоб палатасининг Раисидан, Ҳисоб палатаси масъул ходимлари (инспекторлари)дан иборат бўлади.

14. Ҳисоб палатасининг Раиси:

Ҳисоб палатаси фаолиятига раҳбарлик қилади ва унинг ишини ташкил этади;

Ҳисоб палатаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича текширишларни ташкил қилиш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлайди;

Ҳисоб палатаси қабул қилган қарорларнинг ижроси устидан назоратни ташкил қилади;

Ҳисоб палатасининг фаолиятига тааллуқли масалалар кўриб чиқилиши чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиялари, унинг кўмиталари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларининг ишида қатнашади;

амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоботлар тақдим этади;

берилган ваколатга мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

15. Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари (инспекторлари):

ушбу Низомда белгиланган вазифаларга мувофиқ Ҳисоб палатаси фаолиятининг муайян йўналишларига раҳбарлик қилувчи мансабдор шахслар ҳисобланади;

ўз ваколатлари доирасида, ўзлари бошчилик қилаётган йўналишлардаги фаолиятни ташкил этишга оид барча масалаларни мустақил равишда ҳал этадилар ва унинг натижалари учун жавобгар бўладилар;

Ҳисоб палатасининг фаолиятига тааллуқли масалалар кўриб чиқилиши чоғида Олий Мажлис кўмиталарининг, ижроия ҳокимият органлари ва бошқа давлат органлари ҳайъатларининг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар;

муаллимлик ва илмий ишлардан ташқари тижорат ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

16. Ҳисоб палатаси фаолиятининг ички масалалари, инспекторлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, ишларни юритиш тартиби, назорат тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш Ҳисоб палатасининг Раиси томонидан тасдиқланадиган Ҳисоб палатаси Регламенти билан белгиланади.

17. Ҳисоб палатаси ҳузурида Ҳайъат ташкил этилади, унинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланади.

Ҳисоб палатаси ҳузуридаги Ҳайъат аъзолари бошқа ишга ўтишганида уларнинг лавозимига янги тайинланган шахслар унинг таркибига киритилади.

18. Ҳисоб палатаси ҳузуридаги Ҳайъат аъзолари Ҳайъат мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни ўрганиш ва тайёрлашни таъминлайдилар, ана шу масалаларни муҳокама этишда ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишда қатнашадилар, унинг ишини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритадилар.

19. Ҳисоб палатаси ҳузуридаги Ҳайъат мажлислари заруратга қараб, аммо йилнинг ҳар чорагида камида бир марта мунтазам ўтказиб турилади. Мажлисида Ҳайъат аъзоларининг камида ярми иштирок этган тақдирда у ваколатли деб ҳисобланади.

Ҳайъат мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларнинг моҳиятига қараб вазирлик ва идоралар, банкларнинг раҳбарлари, шунингдек мутахассислар ва экспертлар таклиф этилишлари мумкин.

20. Ҳайъат мажлиси якунлари бўйича оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қилинади, қарор мажлисида раислик қилувчи томонидан имзоланади. Шошилиш ҳолларда Ҳайъат қарори сўров йўли билан қабул қилиниб, кейин у Ҳайъатнинг навбатдаги мажлисида тасдиқланиши мумкин.

21. Текширишларнинг кўпчиликка ошкор қилиб бўлмайдиган маълумотлари баён этилган ҳужжатлари Ҳайъатнинг ёпиқ мажлисларида кўриб чиқилади. Ана шу мажлисларда қабул қилинган қарорлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

22. Ҳайъат котиби Ҳайъат мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида Ҳайъат аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни хабардор қилади, керакли ҳужжатларни расмийлаштиради ва зарур ҳолларда ана шу ҳужжатларни уларга тарқатади, Ҳайъат мажлисларининг баённомалари юритилиши, расмийлаштирилиши ҳамда Ҳисоб палатасининг Раиси билан келишилган ҳолда Ҳайъат қарорлари тарқатилишини ташкил қилади.

23. Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини Ҳисоб палатасининг ваколатига кирувчи масалалар устидан амалий мунтазам назоратни таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда тузиладиган йиллик режалар ва дастурлар асосида ташкил этади. Иш режалари Ҳисоб палатаси ҳузуридаги Ҳайъат мажлисида тасдиқланади.

24. Ҳисоб палатаси хорижий мамлакатларнинг ҳисоб ва назорат палаталари ҳамда парламент назорати органлари ва уларнинг халқаро бирлашмалари билан алоқа боғлаб туради, улар билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш ҳуқуқига эгадир.

25. Ҳисоб палатасининг иши тўғрисидаги йиллик ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилади.

26. Ҳисоб палатасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

163 **Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105-сон Фармонида ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасига инсонпарварлик ёрдами сифатида ва беғараз техниквий ёрдам кўрсатиш учун олиб келинаётган товарларни божхона орқали тезкор расмийлаштириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105-сон Фармони иловасининг 2-бандига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўн кун муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

идоралар ўз норматив ҳужжатларини мазкур Фармон қоидаларига мувофиқ ҳолга келтиришларини таъминласин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 5 ноябрь,
ПФ-3158-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2002 йил 5 ноябрдаги
ПФ-3158-сон Фармонига
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармони иловасига киритиладиган қўшимчалар

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармони иловасининг 2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

2.	Инсонпарварлик ёрдами сифатида ва бераз техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида олиб келинадиган товарлар	Қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона пошлинаси, божхонада расмийлаштириш учун йиғим
----	---	--

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

164 **Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармонига қўшимчалар киритиш ҳақида**

Республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келиш чоғида божхона қонунчилиги қатъий ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармони мазмуни қуйидагича бўлган 4-банд билан тўлдирилсин:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

«4. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 10 ноябридан бошлаб божхона қонунчилигини бузган ҳолда кўп ва жуда кўп миқдордаги товарлар олиб ўтилган тақдирда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган товарлар ҳамда шундай мақсадларда фойдаланилган транспорт воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат эгаллигига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ушбу Фармоннинг қоидалари оғишмай бажарилишини таъминласинлар, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда амалдаги қонунчиликнинг қоида ва талаблари ҳамда уларни бузганлик учун жавобгарлик аҳоли ўртасида кенг тушунтирилишини таъминласинлар».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сон Фармонининг 4, 5 ва 6-бандлари тегишли равишда 5, 6 ва 7-бандлари деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан бирга ўн кун муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига такдим этсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.А. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 6 ноябрь,
ПФ-3159-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

165 Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш устидан назоратни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Етиштирилган пахта хом ашёси учун ҳисоб-китоблар чоғида шартнома-молия интизомига риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш, пахта тайёрлашга оид ҳисоб ва ҳисоботларнинг бузилишига йўл қўймаслик мақсадида:

1. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ижро этувчи аппарати тузилмасидаги Назорат-тафтиш бош бошқармаси тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси таркибида Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисоботнинг тўғриллигини назорат қилиш бошқармаси (бундан буёғига — Бошқарма деб юритилади) ташкил этилсин.

3. Мазкур Бошқарма зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:
пахта хош ашёсини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, пахта маҳсулоти ишлаб

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

чиқариш ва уни сотиш бўйича статистика ҳамда бухгалтерия ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш;

пахта тозалаш корхоналари томонидан қабул қилинадиган, сақланадиган ва қайта ишланадиган пахта хом ашёсининг миқдори ва сифати бўйича маълумотлар назорат ва тафтиш қилинишини, хом ашёни қайта ишлаш чоғида олинадиган пахта толаси, пайдо бўладиган куйиндилар ҳамда бошқа чиқиндиларнинг белгиланган меъёрларига риоя этилишини таъминлаш;

навларни жойлаштиришнинг ўрнатилган тартибига риоя этилиши, белгиланган стандартларга ва селекция навлари жойлаштирилишига мувофиқ уруғлик чигитлар тайёрланиши ҳамда пахтакор хўжаликларнинг улар билан таъминланиши мониторингини амалга ошириш;

пахта хом ашёси ҳамда ишлаб чиқариладиган пахта маҳсулотларининг миқдори ва сифатини ҳамда уларнинг ҳисоботда акс эттирилишини баҳолаш бўйича текширишларни ташкил қилиш ва ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиб такомиллаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига пахта тайёрлаш, уни сақлаш ва қайта ишлашнинг бутун даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тасдиқланган махсус жадваллар бўйича пахта тозалаш корхоналарини тайёрланаётган, қайта ишланаётган ва сақланаётган пахта хом ашёсининг миқдори ҳамда сифати, пахта толаси ва пахта маҳсулотининг сотилиши масалалари бўйича текшириш ҳамда тафтишлар ўтказиш, шунингдек, пахтакор хўжаликларнинг сифатли уруғлик чигит билан таъминланишини ҳамда ғўза навларини жойлаштириш бўйича белгиланган топшириқларга риоя этилишини текшириб туриш ҳуқуқи берилсин.

5. «Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июндаги ПФ-2874-сон Фармони 2-бандининг бешинчи хатбоши ва 4-бандининг иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 13 ноябрь,
ПФ-3161-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

166 Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида

Иқтисодий ислохотлар янада чуқурлаштирилиши ва банк тизими эркинлаштирилишини таъминлаш, банк қонунчилигини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини ташкил этиш даражаси ва самарадорлигини ошириш, республика тижорат банкларининг ривожланишига ҳамда барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

1. Республика банк кенгаши 1-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Республика банк кенгаши доимий ишловчи коллегиял орган бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот беради.

2. Республика банк кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мунтазам таҳлил асосида макроиқтисодиёт ва бюджет сиёсати билан ўзаро боғлиқ бўлган пул-кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, шу сиёсатнинг иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча томонларини ислоҳ қилиш мақсадли вазифалари ҳамда устувор йўналишларига, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга доир қабул қилинган комплекс дастурларга мувофиқлигини аниқлаш;

миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, пул тизимини мустаҳкамлаш, пул массасининг ўсишини чеклаш ҳамда банкдан ташқари айланмани камайтириш, пул айланмасида нақд ва нақдсиз пул массасининг мақбул нисбатини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, пул маблағларининг банк омонатларига жалб этилишини рағбатлантириш, фуқаролар омонатлари ҳимоя этилиши кафолатларининг кучли механизминини яратиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

тижорат банкларининг инвестиция жараёнида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида иштирок этишини фаоллаштиришга қаратилган қўшимча омилларнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банклараро валюта бозорини ривожлантириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, олтин-валюта захиралари барқарор ва муттасил кўпайиб боришини таъминлаш, давлатнинг валюта маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

республиканинг банк тизимини ҳамда банклараро муносабатлар механизминини ривожлантириш ва такомиллаштириш, тижорат банкларининг мустақиллигини, улар фаолиятининг ишончлилиги ва барқарорлигини ошириш, уларнинг халқаро кредит рейтингини кўтариш, халқаро молия-кредит тизимига кенг кўламда қўшилиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Республика банк кенгаши тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Марказий банки манфаатдор тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.А. Голишев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 15 ноябрь,
ПФ-3162-сон

* 1-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2002 йил 15 ноябрдаги ПФ-3162-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

Республика банк кенгаши тўғрисида НИЗОМ

1. Республика банк кенгаши (қуйида — «Кенгаш» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 15 ноябрдаги ПФ-3162-сон Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикасида пул-кредит ва банк тизимини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида тузилган доимий ишловчи коллегиал орган ҳисобланади.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кенгаш ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мунтазам таҳлил асосида макроиқтисодиёт ва бюджет сиёсати билан ўзаро боғлиқ бўлган пул-кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, шу сиёсатнинг иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча томонларини ислоҳ қилиш мақсадли вазифалари ҳамда устувор йўналишларига, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга доир қабул қилинган комплекс дастурларга мувофиқлигини аниқлаш;

миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, пул тизимини мустаҳкамлаш, пул массасининг ўсишини чеклаш ҳамда банкдан ташқари айланмани камайтириш, пул айланмасида нақд ва нақдсиз пул массасининг мақбул нисбатини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, пул маблағларининг банк омонатларига жалб этилишини рағбатлантириш, фуқаролар омонатлари ҳимоя этилиши кафолатларининг кучли механизминини яратиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

тижорат банкларининг инвестиция жараёнида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида иштирок этишини фаоллаштиришга қаратилган қўшимча иқтисодий омилларнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банклараро валюта бозорини ривожлантириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, олтин-валюта захиралари барқарор ва муттасил кўпайиб боришини таъминлаш, давлатнинг валюта маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

республиканинг банк тизимини ҳамда банклараро муносабатлар механизминини ривожлантириш ва такомиллаштириш, тижорат банкларининг мустақиллигини, уларнинг халқаро кредит рейтингини кўтариш, халқаро молия-кредит тизимига кенг кўламда қўшилиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

4. Кенгаш ўз зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириши учун:

пул-кредит сиёсати асосий йўналишлари ҳамда пул массаси параметрлари лойиҳасини келгуси йилга мўлжалланган макроиқтисодиёт ва бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқади;

пул муомаласининг барқарорлигини мустаҳкамлаш, кредит бериш ва ҳисоб-ки-

тоблар тизимини такомиллаштириш, молиявий иснтитутлар фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифларни кўриб чиқади;

инфляция жараёнларининг пасайишини, банк ссудалари бўйича қарздорлик ўсиши чекланишини таъминлашга қаратилган таклифларни кўриб чиқади;

валюта сиёсатининг асосий йўналишлари ва олтин-валюта захираларини бошқариш тамойиллари бўйича тавсияларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқади;

қонунчиликда унинг ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал этади.

5. Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга: банк қонунчилигини такомиллаштириш борасида қонунчиликка оид ташаббусларни тайёрлашда иштирок этиш;

ўз ваколатига қирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

ўз мажлисларига давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахсларини, идоралар, банклар ва ташкилотларнинг раҳбарларини, ноҳуқумат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг вакилларини таклиф қилиш;

эксперт ва консультантлар сифатида олимлар ҳамда мутахассисларни жалб этиш.

6. Кенгаш аъзолари сони 10 кишидан иборатдир.

Кенгаш раиси, Раис ўринбосари ва аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар.

Кенгаш аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

7. Кенгаш раиси унинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Кенгаш мажлисларида раислик қилади. Кенгаш раиси бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини Кенгаш раисининг ўринбосари бажаради.

Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарлари Кенгаш аъзолари орасидан Кенгаш жами аъзоларининг кўпчилик овози билан сайланадилар.

8. Кенгаш аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кенгаш мажлисларида муҳокама этиш учун масалалар киритиш, Кенгаш ваколатига қирувчи масалалар бўйича зарур қонунчилик ва норматив ҳужжатларини, ахборот-таҳлилий материалларни олиш;

Кенгаш мажлисларига ҳужжатларни тайёрлашда ишчи гуруҳларида қатнашиш.

9. Кенгаш аъзоларининг бурчлари қуйидагилардан иборат:

Кенгаш мажлисларида шахсан иштирок этиш;

Марказий банк ва тижорат банкларининг фаолияти тўғрисида хизматга оид маълумотни, шунингдек махфий тусдаги маълумотларни ошкор қилмаслик.

10. Кенгаш ўз мажлисларини йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказди.

11. Кенгашнинг мажлислари Кенгаш раиси ёки у бўлмаган тақдирда Кенгаш раисининг ўринбосари томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг ёхуд Кенгаш аъзоларидан камида уч кишининг талабига биноан тайинланади.

12. Кенгаш ҳужжатларининг тайёрлаш, қарорларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун Кенгаш олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда муваққат ишчи гуруҳларини тузиши мумкин.

13. Кенгаш қарорлари кворум беш кишидан иборат бўлган тақдирда иштирок этувчи Кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг келиб қолган ҳолларда Кенгаш мажлисида раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

14. Кенгаш қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади, улар Кенгаш раиси томонидан имзоланади.

15. Кенгаш қарорлари Кенгашнинг барча аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувига ҳамда бошқа манфаатдор ҳукумат тузилмалари, идоралар ва тижорат банкларига етказилади.

16. Кенгаш раиси Кенгаш амалга ошираётган ишлар ва у қабул қилаётган қарорлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини мунтазам хабардор қилиб туради.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

167 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизими ни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони аналга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 13 июндаги 208-сон қарорининг 6-бандига мувофиқ ҳамда савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортишга оид ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2002 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар идоравий норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 5 ноябрь,
379-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 5 ноябрдаги 379-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий оқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 13 июндаги 208-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 31-модда)га 3-иловадаги жадвал қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Тўловчилар	Корхоналар бўйича солиқ ставкалари (ялпи тушум ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида):	
	шаҳар ва қишлоқ жойларда	узоқ ва тоғли туманларда
Улгуржи ва чакана савдо	5	3
Умумий оқатланиш:		
а) умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта ва олий ўқув юрглари ҳузуридаги умумий оқатланиш корхоналари;	5	5
б) бошқа умумий оқатланиш корхоналари	10	7

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва умумий оқатланиш корхоналарига солиқ солиш тартиби тўғрисида» 2002 йил 12 июлдаги 249-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Савдо ва умумий оқатланиш корхоналарининг ялпи тушумидан (товар айланмаси ҳажмидан) олинadиган ягона солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низомда:

а) 10-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«10. Ялпи тушумдан олинadиган ягона солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N = V \times C$$

бунда:

N — ялпи тушумдан олинadиган ягона солиқ суммаси;

V — ҳисобот ойидаги ялпи тушум;

C — ялпи тушумдан олинadиган ягона солиқ ставкаси.

Ялпи тушумдан олинadиган ягона солиқни ҳисоблашга мисол ушбу Низомга 2-иловада келтирилган»;

б) 11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 1-иловага жадвал қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Тўловчилар	Корхоналар бўйича уларнинг жойлашган жойига қараб солиқ ставкалари (ялпи тушум ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида):	
	шаҳар ва қишлоқ жойларда	узоқ ва тоғли туманларда
Улгуржи ва чакана савдо	5	3
Умумий оқатланиш:		
а) умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта ва олий ўқув юрглари ҳузуридаги умумий оқатланиш корхоналари;	5	5
б) бошқа умумий оқатланиш корхоналари	10	7

- г) 2-иловада:
1, 2 ва 4-сатрлар чиқариб ташлансин;
6-сатрдаги «1010» рақами «910» рақами билан алмаштирилсин;
3, 5 ва 6-сатрлар тегишли равишда 1, 2 ва 3-сатрлар ҳисоблансин;
изоҳ чиқариб ташлансин;
- д) 3-иловада:
5-сатрдаги «Солиқ солинадиган тушум (3-сатр — 4-сатр)» сўзлари «Солиқ солинадиган тушум (1-сатр — 2-сатр)» сўзлари билан алмаштирилсин;
2, 4-7-сатрлар тегишли равишда 1-5-сатрлар ҳисоблансин;
«*» белгилари изоҳ чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

168 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш, фермер хўжаликлари ролини ошириш, фермерларда мулкдорлик, жалб этиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш учун иқтисодий жавобгарлик ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларида амалдаги тайёрлов корхоналари орқали аванс бериш механизми ўрнига фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш бўйича харажатларини уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмини 2003 йил ҳосилидан бошлаб синаб кўриш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Юқорида кўрсатилган минтақаларда:

фермер хўжаликларини экиш материали билан «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тайёрлов корхоналари томонидан ғалла ва пахта хом ашёси бўлғуси ҳосили учун аванс бериш ҳисобига таъминлашнинг;

фермер хўжаликларига пахта хом ашёси теримчилари билан ҳисоб-китоб қилиш учун ҳақиқий тайёрланган пахта хом ашёси ҳажмидан келиб чиққан ҳолда «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмалари орқали маблағлар ажратишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

фермер хўжаликларига кредитлар улар томонидан давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган ғалла ва пахта хом ашёси қийматининг 50 фоизигача миқдорда, аванс ҳисо-

бига етказиб бериладиган экиш материали қийматини ҳисобга олган ҳолда, йилига кўпи билан 5 фоизли ставка билан ҳамда ҳосил йиғиштириб олингунгача ва улар бўйича ҳисоб-китоб қилингунгача муддатга берилади;

кредитлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлов ташкилотларига сотишдан фермер хўжалиқларига тушадиган маблағлар ҳисобига биринчи навбатда қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тижорат банкларининг фермер хўжалиқларига имтиёзли фоиз ставкалари бўйича кредитлар бериш билан боғлиқ харажатларини қоплаш механизмини бир ой муддатда ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси ҳамда тижорат банклари билан бирга-ликда бир ой муддатда:

кредитлар қайтарилишини таъминлашни — «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг суғурта полисларини ва ҳар бир фермер хўжалигининг имкониятларидан келиб чиқиб таъминлашнинг бошқа шаклларини назарда тутган ҳолда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш бўйича фермер хўжалиқларининг харажатларини кредитлашнинг;

тижорат банклари томонидан фермер хўжалиқларига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришни маблағ билан таъминлаш учун бериладиган имтиёзли кредитлар қайтарилишини суғурталашнинг вақтинчалик тартибини ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқлаш учун Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритсинлар.

6. «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ҳар бир фермер хўжалиги бўйича ғўза ва ғалла экинларининг аҳволини, уларни етиштириш бўйича харажатларни кредитлашни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун мунтазам мониторинг ўрнатсин ҳамда экинларнинг аҳволи қониқарсиз эканлиги аниқланган ҳолларда тегишли тижорат банкларини ўз вақтида хабардор қилсин.

7. Тижорат банклари раҳбарларига:

фермер хўжалиқларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёсини етиштириш бўйича харажатларини кредитлашнинг тайёрлов қороналари билан тузилган контрактация шартномалари ва «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг экинларнинг аҳволи ва кутилаётган ҳосилдорлик тўғрисидаги хулосаларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилиши;

кредит ресурсларининг қишлоқ хўжалиги экинлари ўстиришнинг технология карталарига мувофиқ харажатлар нормаларига биноан ажратилиши ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 7 ноябрь,
383-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

169 Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ–3080-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент ахборот технологиялари университети республиканинг алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича базавий олий таълим муассасаси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Тошкент ахборот технологиялари университетининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

ўқув жараёнига ўқитишнинг замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ишларини ташкил этиш, таълим муассасалари фаолиятини ўқув-методик таъминлашга ҳамда республика таълим тизими учун ягона ахборот-коммуникация маконини яратишга қўмаклашиш;

олий ва олий таълимдан кейинги таълим дастурлари ва стандартларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, ўқув адабиётларини тайёрлашда қатнашиш, алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида ўқув-методик қўлланмалар электрон кутубхонаси тизимини ривожлантириш;

хорижий мамлакатлар ўқув муассасалари ва илмий марказлари билан алоқа ва ахборот технологиялари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, хизматлар ва технологияларнинг янги турларини жорий этиш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2003/2004 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университетига профессор-ўқитувчилар таркибининг амалдаги сони доирасида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун бакалаврият дастури бўйича педагоглар тайёрлаш учун махсус сиртки бўлим очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Тошкент ахборот технологиялари университетига юкланган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Университет ректорати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2002 йил охиригача Университетнинг янги тузилмасини ва штатлар рўйхатини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув-лаборатория биноларини қуриш ва реконструкция қилишни, уларни замонавий асбоб-ускуналар ва техника билан жиҳозлашни 2003 йилдан бошлаб республика инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув-лаборатория ва спорт-соғломлаштириш биноларини қуришнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари 2002 йил охиригача тайёрланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Тошкент ахборот технологиялари университети моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 2003 йилдан бошлаб давлат бюджети, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳамда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига зарур маблағ ажратишни назарда тутсинлар.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида» 2001 йил 17 августдаги 344-сон қарорига илованинг 8-бандидаги «ва информатика» сўзлари «информатика, ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 7 ноябрь,
385-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

170 Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Юқори сифатли, рақобатбардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва уларнинг ассортименти кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан юқори даражада тўлдириш, шунингдек республиканинг ишлаб чиқарувчи корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йил 1 январдан 2007 йил 31 декабргача:

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солиғини амалдаги ставкадан 20 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар;

болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар болалар учун товарлар ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солиғини 7 фоизли ставка бўйича тўлайдилар. Болалар учун товарлар гуруҳига кирувчи товарларни аниқ-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

лашда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 июлдаги 327-ф-сон фармойишига ва Статистика давлат департаменти томонидан тасдиқланган саноат маҳсулоти номенклатурасига 1997 йил 17 июлдаги 8-1/3-8-сон Тушунтиришга амал қилинсин;

микрофирмалар ва кичик корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқни амалдаги ставкадан 25 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар;

ишлаб чиқариш корхоналарининг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш физик ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига олинган даромадлари (фойдаси) даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлашдан озод қилинади;

ноозик-овқат истеъмол товарлари (тамаки маҳсулотлари ва заргарлик буюмларидан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар, бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтиришга ва рақобатбардошлигини оширишга мақсадли йўналтирилган тақдирда, бюджетга акциз солиғи тўлашдан озод қилинадилар;

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга амортизация ажратмаларининг йиллик ҳисобдан чиқариш миқдорларини асосий воситалар хизматининг фойдали муддатидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилаш ҳуқуқи берилади. Бунда солиққа тортиш мақсадидаги амортизация ажратмаларининг йиллик миқдори Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган нормалардан ошмаслиги керак;

корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган истеъмол товарлари рекламасига харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиққа тортиладиган базадан тўлиқ ҳажмда чиқариб ташланади.

2. Белгилансинки, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган (истеъмол товарлари ҳажми ишлаб чиқариладиган товарлар умумий ҳажмида камида 60 фоизни ташкил қиладиган) корхоналар 2003-2005 йилларда:

истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар импорти бўйича божхонада расмийлаштиришдан кейин 60 кундан кечиктирмай, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун эса 90 кундан кечиктирмай божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлайдилар. Бунда улуш қўшиш асосида (толлинг бўйича) истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун келтириладиган хом ашё божхона тўловларидан озод қилинади, божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно;

ер солиғини белгиланган тартибда амалдаги ставкалар бўйича, лекин тегишли шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг ўрта зонаси учун белгиланган ставкадан ортиқ бўлмаган ставкалар бўйича тўлайдилар;

мулк солиғини истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун кредитлар ҳисобига, кредитни қоплаш муддатида, лекин 7 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда сотиб олинган асбоб-ускуналар қийматига камайтирилган солиққа тортиладиган базадан келиб чиққан ҳолда тўлайдилар;

валюта тушумини истеъмол товарларини экспорт қилишдан олинган, ўз ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун импорт қилинган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматига камайтирилган миқдорда мажбурий равишда сотадилар.

3. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар корхоналар томонидан фақат ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ тадбирларга йўналтирилади.

Солиққа тортишдан бўшаган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган

ҳолларда ушбу маблағлар, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима жазоларини ҳисобга олган ҳолда, тўлиқ ҳажмда бюджетга ўтказилади.

4. Истеъмол товарларининг йирик ишлаб чиқарувчиларига:

ўз маҳсулотларини расмий дистрибьюторлар орқали улгуржи сотиш тизимини яратиш;

республика минтақаларида, шу жумладан буюм бозорларида фирма улгуржи-чакана савдо дўконлари шохобчаларини ривожлантириш тавсия қилинсин.

5. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларидан қарзи бўлмаган корхоналарга ишлаб чиқараётган товарларини ўз расмий дистрибьюторларига ва улгуржи савдо корхоналарига 90 кундан ортиқ бўлмаган муддат билан консигнация шартномалари бўйича, шунингдек воситачилик шартномалари ва топшириқномалар бўйича сотишга рухсат берилсин.

6. Тижорат банкларига халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни барпо этиш ва ишлаётганларини кенгайтириш учун белгиланган тартибда миллий ва хорижий валютада кредитлар бериш тавсия қилинсин.

7. Сут, жун, қорамол ва майда моллар териси, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда молларни гўштга сўйиш билан шуғуланувчи корхоналарга мазкур қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бевосита ишлаб чиқарувчилардан — аҳолидан, деҳқон ва фермер хўжалиқларидан нақд пул билан ҳисоб-китоб қилган ҳолда ўз эҳтиёжлари учун тайёрлаш ҳуқуқи берилсин.

Бунда қайта ишлаш корхоналари раҳбарларининг сут, тирик мол, жун, тери, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари харид қилиш учун банкдан олинган нақд пуллардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан шахсан жавоб беришлари белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Сут, тирик мол, жун, қорамол ва майда моллар териси, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари харид қилиш учун тижорат банклари томонидан қайта ишлаш корхоналарига нақд пул бериш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин, жойларда қайта ишлаш корхоналари томонидан кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пуллардан мақсадли фойдаланилишини белгиланган тартибда текширишни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 13 ноябрь,
390-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

171 **Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Аҳолининг тўловга қодир талабини янада тўлароқ қондириш, ички истеъмол бозорининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, уни ватанимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли рақобатбардошли товарлар билан тўлдириш, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасида барқарор алоқаларни ўрнатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси хузурида 1-иловага* мувофиқ таркибда Ярмарка савдолари ўтказиш бўйича республика кенгаши ташкил этилсин.

Республика кенгаши томонидан унинг ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар, мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурий ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Ярмарка савдолари ўтказиш бўйича республика кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республиканинг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасида мустаҳкам, узоқ савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатишда, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда кўмаклашиш;

истеъмол товарлари сотиш бўйича доимий ишловчи ва мавсумий улгуржи ярмаркалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ички истеъмол бозорининг аҳолини таҳлил қилиш ва истеъмол товарларининг аҳоли кўплаб талаб қиладиган, илгари республикада ишлаб чиқарилмаган янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш;

истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган янги технологияларни, асбоб-ускуналарни ва «ноу-хау»ларни намойиш қилиш бўйича кўргазмалар ҳамда кўргазма-савдолар ташкил этиш;

озиқ-овқат товарлари, енгил саноат буюмлари, бошқа ноозиқ-овқат товарлар сотиш бўйича ярмарка қўмиталарининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқарган истеъмол товарларининг фирма савдоси шохобчаларини янада ривожлантириш бўйича таклифлар киритиш;

республика улгуржи ярмаркаларини ўтказиш муддатлари ва тартибини, ярмаркалар ишида қатнашиш учун жалб этиладиган ишлаб чиқарувчи корхоналар доирасини аниқлаш.

3. Республика кенгаши таркибида асосий товар гуруҳлари — озиқ-овқат товарлари, енгил саноат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлар бўйича доимий ишловчи ярмарка қўмиталари ташкил этилсин.

Кўрсатиб ўтилган товар гуруҳларига кирувчи истеъмол товарлари рўйхати 2-иловага мувофиқ белгилансин.

Ярмарка қўмиталарига:

доимий ишловчи улгуржи ярмаркалар ҳамда истеъмол товарлари кўргазма-савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш;

савдо ташкилотлари билан товар етказиб бериш шартномалари тузиш мақсади-

* 1-илова берилмайди.

да истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг кенг доирасини улгуржи ярмаркаларда қатнашиш учун жалб қилиш;

истеъмол товарларининг тегишли номенклатураси бўйича республика аҳолиси эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда уларни республика корхоналарида ишлаб чиқариш юзасидан буюртманомаларни жойлаштиришга кўмаклашиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар ва уларни харид қилувчиларнинг улгуржи ярмаркаларда иштирок этиши билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш.

Ярмарка кўмиталарининг шахсий таркиби 3-5-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

4. «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати таркибида 5 кишидан иборат Ярмарка савдолари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилсин, унга Ярмарка савдолари ўтказиш бўйича республика кенгашининг ишчи органи функцияси юклансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда Ярмарка савдолари ўтказиш бўйича республика кенгаши тўғрисидаги Низомни ҳамда Ярмарка кўмитаси тўғрисидаги Намунавий низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ярмарка савдолари ўтказиш бўйича республика кенгаши (Усмонов), ярмарка кўмиталари вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, хўжалик бирлашмалари ва мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар иштирокида:

2002 йил 20 декабргача бўлган даврда 2003 йилда истеъмол товарлари етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш бўйича улгуржи ярмаркалар ўтказиш жадвалини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

2003 йилдан бошлаб доимий ишловчи улгуржи ярмаркалар билан бир қаторда мавсумий (куз-қиш, баҳор-ёз) ҳамда ихтисослаштирилган ярмаркалар ўтказилишини таъминласинлар;

харидорғир истеъмол товарларининг аниқ турлари ва номенклатурасини ишлаб чиқариш юзасидан буюртманомаларни шакллантириш ва республика корхоналарида жойлаштириш ишларини фаоллаштирсинлар.

7. Тошкент, Урганч, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида доимий асосда истеъмол товарларини сотиш бўйича минтақавий улгуржи-чакана савдо ярмаркалари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги минтақавий улгуржи-чакана савдо ярмаркалари фаолиятини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар, уларни зарур бинолар, замонавий савдо-технология асбоб-ускуналари, алоқа тизимлари билан таъминласинлар.

8. Уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, хўжалик ва жамоат бирлашмалари, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга:

доимий ишловчи улгуржи ярмаркалар ва истеъмол товарлари кўрғазма-савдоларини ташкил этиш ва ўтказишда фаол қатнашиш;

шартномаларнинг устувор равишда доимий ишловчи улгуржи ярмаркаларда тузилишини ва ўз маҳсулотлари сотилишини таъминлаш тавсия қилинсин.

9. Белгилансинки, 2003 йил 1 январдан 2004 йил 31 декабргача улгуржи савдо корхоналарининг республикада ишлаб чиқариладиган истеъмол товарларини сотиш-

* 3-5-иловалар берилмайди.

дан олинган тушумларидан 2 фоизли, узоқ ва тоғли туманларда эса — 1 фоизли ставка бўйича ягона солиқ олинади.

10 Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 13 ноябрь,
391-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 13 ноябрдаги 391-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Асосий товар гуруҳларига кирувчи истеъмол товарлари
РЎЙХАТИ**

I гуруҳ — озиқ-овқат товарлари

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, колбаса маҳсулотлари, гўшт ва балиқ консервалари
Сут ва сут маҳсулотлари, мол ёғи, пишлоқ ва бринза, музқаймоқ ва бошқалар
Шакар
Чой
Ун, нон ва нон-булка маҳсулотлари, ёрма, гуруч
Қандолатчилик (хамирли ва шакарли) маҳсулотлари, шарқ ширинликлари, ма-
карон маҳсулотлари, хамиртуруш
Ўсимлик ёғи, маргарин, кир совун ва атир совун
Қуруқ мевалар ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари
Вино-ароқ, консерва маҳсулотлари, пиво ва алкогольсиз ичимликлар
Тамаки маҳсулотлари
Синтетик кир ювиш воситалари, тиш пастаси, атторлик маҳсулотлари

II гуруҳ — енгил саноат товарлари

Тикувчилик маҳсулотлари, трикотаж маҳсулотлар, пайпоқ буюмлари, тикувчи-
лик галантереяси
Ип газлама, шойи, жун газлама, гилам ва гилам маҳсулотлари
Пойабзал (шу жумладан резина пойабзал), чарм-галантерея ва мўйна буюмлар
Чинни маҳсулотлар, штампланган алюминий идиш-товоқ, биллур ва шишадан
тайёрланган буюмлар

III гуруҳ — ноозиқ-овқат товарлар
(енгил саноат буюмларидан ташқари)

Мебель, мебель аксессуарлари, қоғоз, қоғоз буюмлар, босма маҳсулотлар
Мураккаб маиший техника
Заргарлик буюмлари
Қурилиш материаллари
Маданий-маиший ва хўжалик буюмлари
Томорқа-боғдорчилик ашёлари ва бошқа ноозиқ-овқат товарлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

172 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш устидан назоратни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги ПФ–3161-сон Фармони амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш устидан назоратни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги ПФ–3161-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда республика Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси фаолиятини ташкилий таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ходимларнинг чекланган сони 63 нафардан иборат бўлган янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисоботнинг тўғрилигини назорат қилиш бошқармаси ходимларининг чекланган сони 30 нафар этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисоботнинг тўғрилигини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

янги ташкил этилган Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисоботнинг тўғрилигини назорат қилиш бошқармасини молиялаштириш учун қўшимча маблағларни назарда тутсин;

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган Бошқарманинг юқори малакали мутахассислар билан бутланишини таъминласин.

5. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ижро этувчи аппарати тузилмасида тугатилган Назорат-тафтиш бош бошқармаси негизида штатдаги ходимлари сони 10 кишидан иборат бўлган пахта тозалаш корхоналари томонидан норматив-технология талабларига риоя этилиши мониторинги бўлими ташкил этилсин.

Мониторинг бўлимига пахта тозалаш корхоналари томонидан тайёрланаётган пахта хом ашёси миқдори ва сифатини, пахта хом ашёси кондицион массаси тўғри ҳисоблаб чиқилишини, пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш технология тартибига, пахта толаси ва пахта маҳсулоти бошқа турлари чиқишининг белгиланган нормативларига, пахта маҳсулотини сертификатлаш ва сотиш тартибига, шунингдек ғўза навларини янгилашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш юқлансин.

6. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва унинг таркибий бўлинмалари:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига тайёрланаётган, қайта ишланаётган, сақланаётган пахта хом ашёси миқдори,

пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотлари сотилиши тўғрисида ҳар ойда, зарур ҳолларда эса тезкорлик билан ахборот тақдим этсинлар;

Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ходимларига тафтиш ва текшириш ўтказиш даврида кўмаклашсинлар, шунингдек текширишлар ўтказишга тармоқ мутахассисларини жалб этсинлар.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 11 февралдаги 66-сон қарорининг 3-банди ва қарорга илова, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1999 йил 25 июндаги 315-сон қарорига илованинг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 6-сон, 34-модда), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 252-сон қарорининг 2-банди ва қарорга 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Н.С. Юсупов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 15 ноябрь,
393-сон

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Жами – 63 киши

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-
тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш
бошқармалари тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Назорат-тафтиш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига бўйсунди.

2. Назорат-тафтиш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида назорат-тафтиш бошқармалари бўлади, улар ўз фаолиятида бевосита фақат Назорат-тафтиш бош бошқармасига бўйсундилар.

3. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари ўз ишида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруқлари ва йўриқнома кўрсатмаларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилдилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг думалок муҳри, штамп, фирма бланкалари бўлади ҳамда улар банк муассасаларида очиладиган махсус субсчётлар орқали бевосита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан маблағ билан таъминландилар.

**II. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш
бошқармаларининг асосий вазифалари**

5. Бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

6. Қуйидагилар Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг вазифалари ҳисобланади:

молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан бюджет ва молия қонунчилигига риоя этилишини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруқлари ва йўриқнома кўрсатмалари, бюджет мажбуриятлари ижроси билан боғлиқ бошқа қонунчилик ҳужжатлари бажарилиши таъминланишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаш;

молия органлари ва тижорат банкларининг биринчи навбатдаги сарф-харажатлар навбатига, маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш, шунингдек бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш;

ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида маблағ билан таъминланишини ва уларни кам таъминланган оилаларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали берилишини назорат қилиш;

пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, пахта маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича статистика ҳамда бухгалтерия ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш;

пахта тозалаш корхоналари томонидан қабул қилинадиган, сақланадиган ва қайта ишланадиган пахта хом ашёсининг миқдори ва сифати бўйича маълумотлар назорат ва тафтиш қилинишини, хом ашёни қайта ишлаш чоғида олинадиган пахта толаси, пайдо бўладиган куйиндилар ҳамда бошқа чиқиндиларнинг белгиланган меъёрларига риоя этилишини таъминлаш;

навларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши, белгиланган стандартларга ва селекция навлари жойлаштирилишига мувофиқ уруғлик чигитлар тайёрланиши ҳамда пахтакор хўжаликларнинг улар билан таъминланиши мониторингини амалга ошириш;

пахта хом ашёси ҳамда ундан ишлаб чиқариладиган пахта маҳсулотларининг миқдори ва сифатини ҳамда уларнинг ҳисоботда акс эттирилишини баҳолаш бўйича текширишларни ташкил қилиш ва ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

инвестиция дастурларини амалга оширишга ажратиладиган марказлаштирилган бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш;

бюджет маблағларини коммунал хизматлар ва электр энергиясига сарфлаш лимитларига риоя этилишини мунтазам равишда текшириб бориш;

бюджет муассасалари томонидан штат-смета интизомига риоя этиш таъминланишини назорат қилиш;

ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан бюджет жараёнига ноқонуний аралашиш ҳолларининг олдини олиш;

давлат валюта маблағларининг тўғри ва белгиланган мақсадда сарфланишини назорат қилиш;

фуқароларнинг молия ва бюджет интизомининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш.

III. Назорат-тафтиш бош бошқармасининг функциялари

7. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

бошқармалар ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини ҳамда молия ва бюджет интизомига риоя қилинишини тафтиш қилиш ва текширишлар (мониторинг)ни ташкил этиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

республика бюджет муассасаларининг харажатлар сметасининг ижроси ҳамда молия ва бюджет интизомига риоя этиш бўйича фаолияти устидан мунтазам назоратни ташкил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш муассасалари фаолиятини текшириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқа таркибий бўлинмалари мутахассислари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармаларининг, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари молия бўлимлари ишларини текширишни ташкил қилиш ва ўтказиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар аппаратлари харажатлари сметалари ижросини тафтиш қилиш ва текширишлар ўтказиш;

текширишлар натижалари бўйича ахборотлар, маълумотномалар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳайъат қарорлари ва буйруқлари лойиҳаларини тайёрлаш;

тафтишлар ва текширишлар натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига такдимномалар тайёрлаш;

тафтишлар ва текширишлар натижалари бўйича қарорларнинг молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

марказлаштирилган топшириқлар бўйича тафтишлар ва текширишлар материалларини умумлаштириш, улар юзасидан тегишли ахборотлар ва таклифлар тайёрлаш;

молия ва бюджет интизомининг аниқланган характерли бузилишлари бўйича тафтишлар ва текширишлар материалларини умумлаштириш ҳамда келгусида уларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олишга доир таклифлар тайёрлаш;

навларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини текширишларни, шунингдек пахтачилик хўжаликларига ажратиладиган уруғлик чигитларнинг техник талабларга ва ғўза навларини жойлаштириш бўйича белгиланган топшириқларга мувофиқлигини текширишларни амалга ошириш, раҳбариятга навларни жойлаштиришда аниқланган бузилиш ҳоллари тўғрисида ахборотлар тайёрлаш;

минтақалар бўйича пахтачилик хўжаликларидан пахта тозалаш корхоналарига қабул қилинган пахта хом ашёси тўғрисидаги маълумотларни (худудий бошқармаларнинг ПК-17 қабул қилиш қвитанциялари асосида тузилган ҳар кунги маълумотларидан келиб чиққан ҳолда) тайёрлаш, маълумотларни йиғиб-териб олинган пахта учун ҳақ тўлаш ва белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиш мақсадида Молия вазирлигининг Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасига такдим этиш;

топширувчи хўжаликдан тайёрлов пунктига келадиган пахта хом ашёси юкланган транспорт бирлиги топшириш-қабул қилиш ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлигини назорат ва тафтиш қилишни амалга ошириш;

пахта хом ашёси юкланган транспорт бирлигининг тарозида тўғри тартиб кўрилганлигини, унинг физик массаси аниқланганлигини, пахта хом ашёсидан намуна олиш тартибига риоя қилинишини ва кейинчалик лабораторияда сифатини баҳолаш учун пахта хом ашёсининг хўжалик бўйича ўртача намунаси шакллантирилишини назорат қилиш;

лабораторияда аниқланган сорти, намлиги ва ифлосланганлигини ҳисобга олган ҳолда пахта хом ашёси кондиция массасини ҳисоблашнинг, шунингдек топширувчи хўжаликка бериладиган қабул қилиш қвитанцияларини ҳамда пахта хом ашёсини қабул қилиш бўйича бошқа бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштиришнинг тўғрилигини текширишларни амалга ошириш;

пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик регламентига риоя этилишини танлаб назорат қилишни амалга ошириш;

пахта тозалаш корхоналарида қайта ишланган пахта хом ашёси туркумларини, олинадиган пахта маҳсулоти (тола, момик, чигит)нинг ҳақиқий миқдорини, ишлаб чиқаришда қуйиндилар пайдо бўлиши кўрсаткичларини аниқлаган ҳамда уларни ғўзанинг селекция ва саноат навлари бўйича тасдиқланган нормативлар билан таққослаган ҳолда комиссия текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш;

хом ашё ва тайёр пахта маҳсулоти баланси ижросини, унинг истеъмолчиларга етказиб берилиши ва амалдаги қолдиқларини ҳисобга олган ҳолда, текширишларни амалга ошириш;

статистика ва бухгалтерия ҳисоботининг хом ашё ҳамда пахта тозалаш корхонасидаги тайёр маҳсулотнинг амалдаги ҳаракатига, уни экспортга ва республика истеъмолчиларига жўнатиш ҳажмига мувофиқлигини текшириш;

хом ашёдан фойдаланиш ва пахта маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича хатлов маълумотларининг тасдиқланган нормативларга мувофиқлигини тафтиш қилишни амалга ошириш;

махсус ваколатли орган қарори асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текширишларни амалга ошириш.

IV. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг функциялари

8. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг функцияларига қуйидагилар киради:

маҳаллий бюджетлар ижросини ҳамда молия ва бюджет интизомига риоя қилинишини тафтиш қилиш ва текширишни (мониторинг) ташкил этиш ва ўтказиш;

ҳаражатлар сметасини бажариш ҳамда молия ва бюджет интизомига риоя қилиниши бўйича маҳаллий бюджет муассасалари фаолияти устидан мунтазам назоратни ташкил этиш;

бюджет ижро этилиши ва бюджет интизомига риоя этилиши бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари молия бўлимлари ишини текширишни ташкил этиш ва ўтказиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратлари ҳаражатлари сметаси бажарилишини тафтиш қилиш ва текшириш;

пахтачилик хўжаликларидан пахта тозалаш корхоналарига қабул қилинган пахта хом ашёси ҳажмлари тўғрисидаги дастлабки ахборотларни (ПК-17 қабул қилиш қвитанциялари асосида) жойларда ҳар кун тўплаш, маълумотларни минтақалар даражасида умумийлаштириш ҳамда пахта хом ашёсини қабул қилиб олишнинг ҳар кунги ҳажмлари ва мавсум бошидан бошлаб ортиб боровчи яқунлари бўйича умумийлаштирилган маълумотларни тайёрлаш учун назорат-тафтиш бош бошқармасига бериш;

Молия вазирлигига 3-ЗАГ (пахта) шакли бўйича пахтачилик хўжаликлари, туманлар ва вилоятлар бўйича ортиб боровчи яқун билан пахта хом ашёси тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги статистика ҳисоботининг ПК-17 қабул қилиш қвитанциялари асосидаги дастлабки ахборот маълумотларига мувофиқлиги тўғрисидаги ахборотни ҳар ҳафтада тақдим этиш;

текшириш натижалари бўйича ахборотлар, маълумотномалар тайёрлаш;

тафтишлар ва текшириш натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига кўрсатмалар тайёрлаш;

молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан тафтишлар ва текшириш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

марказлаштирилган топшириқлар бўйича тафтиш ва текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш, улар бўйича тегишли ахборотлар ва таклифлар тайёрлаш;

молия ва бюджет интизомининг аниқланган характерли бузилишлари бўйича тафтишлар ва текширишлар материалларини умумлаштириш ҳамда уларни бартараф этиш ва келгусида олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

махсус ваколатли органнинг қарори асосида хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш.

V. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг ҳуқуқлари

9. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган: маҳаллий бюджетлар ижроси бўйича ҳудудий молиявий органлар фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш (мониторинг);

барча даражалардаги бюджет муассасаларини харажатлар сметаси бажарилиши ва бюджет интизомига риоя қилиниши бўйича тафтиш қилиш ва текшириш;

барча даражалардаги ҳудудий молия органлари ва бюджет муассасаларида пул ва бухгалтерия ҳужжатларини, ҳисоботлар, сметалар ва бошқа ҳужжатларни, моддий бойликлар мавжудлигини текшириш;

махсус ваколатли органнинг қарори асосида хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш;

тижорат банк муассасаларидан, солиқ органларидан, бошқа идоралардан тафтишлар ва текширишларни ўтказиш пайтида пайдо бўлувчи масалалар бўйича зарур маълумотлар ва ахборотларни олиш;

қурилиш, монтаж, тузатиш ишларини, бошқа ишларни назорат тартибда ўлчаш ва бошқа текширишлар учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш;

барча даражалардаги ҳудудий молиявий органлар ва банк муассасалари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва мансабдор шахсларидан тафтишлар ва текшириш давомида пайдо бўлувчи масалалар, молия ва бюджет интизоми бузилиши ҳоллари бўйича тушунтиришлар беришни, шунингдек маълумотномалар, тафтишлар ва текширишлар далолатномаларини имзолашни талаб қилиш;

зарур ҳолларда касса ва касса бинолари, омборлар, архивлар муҳрланишини, қалбаки, сохталаштирилган ҳужжатлар ва бошқа суиистеъмолликлар аниқланган тақдирда эса ҳужжатларни олиб қўйиш, текширилаётган объектлар раҳбарларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар хатланишини талаб қилиш;

пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлашнинг бутун даври мобайнида Молия вазирынинг топшириғи ва у тасдиқлаган жадвал бўйича пахта тозалаш корхоналарини тайёрланаётган, қайта ишланаётган ва сақланаётган пахта хом ашёси миқдори ва сифати масалалари юзасидан текшириш ва тафтиш қилишни ўтказиш;

стандартлар ва норматив ҳужжатларнинг бажарилишини таъминламаётган, қўшиб ёзишлар, суиистеъмолликлар ва ҳисоботлар бузилиши учун шарт-шароитлар вужудга келтираётган пахта тозалаш корхоналари ва уларга қарашли бўлинмалар ишини тўхтатиб қўйиш;

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси, пахта тозалаш корхоналари ва ҳудудий бирлашмалар мансабдор шахсларига камомат фактларини ҳужжатлар бўйича аниқлаган текширишлар ва тафтишлар асосида пахта хом ашёси ва унинг маҳсулотлари миқдорини ҳисоботдан чиқариб ташлаш тўғрисида ёзма буйруқлар бериш;

тафтишлар ва текширишлар материаллари бўйича молиявий ва бюджет интизоми бузилишларини бартараф этиш, моддий зарарни ундириш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли таклифлар киритиш;

молия ва бюджет интизоми бузилиши аниқланган тақдирда тафтишлар ва текшириш материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш.

VI. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг мажбуриятлари

10. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари қўйидагиларга мажбурдир: юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши юзасидан ишни пухта ташкил этиш;

мазкур Низом талабларини сўзсиз бажариш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлаш;

тафтишлар ва текширишлар ўтказишда ҳудудий молия органлари, бюджет муассасалари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига малакали, принципиал, тўғри, асосли баҳо бериш;

давлат сирига ва олиб борилаётган ишлар махфийлиги режимига, ўтказилаётган тафтиш ва текширишлар махфийлигига қатъий риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Назорат-тафтиш бош бошқармаси раҳбариятини молия ва бюджет интизоми бузилиши аниқланган ҳоллар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш.

VII. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг ташкилий тузилмаси

11. Назорат-тафтиш бош бошқармаси қўйидаги ташкилий тузилмага эгадир:

11.1. Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси, унинг таркибига:

ҳудудий молия органлари томонидан бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлими;

республика бюджет муассасалари томонидан бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлими қиради.

11.2. Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисоботнинг тўғрилигини назорат қилиш бошқармаси, унинг таркибига:

пахта тозалаш саноати корхоналарини тафтиш қилиш бўлими;

ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш бўлими қиради.

11.3. Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармалар маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бошқармаси.

11.4. Валюта ва ташқи савдо операцияларини назорат қилиш бўлими.

11.5. Ташкилий-услубий ишлар бўлими.

- 11.6. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тафтиш қилиш бўлими.
12. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари қуйидаги ташкилий тузилмага эгадирлар:
- 12.1. Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлимлари.
- 12.2. Ташкилий-услубий ишлар бўлимлари.
- 12.3. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тафтиш қилиш ҳамда валюта ва ташқи савдо операцияларини назорат қилиш бўлимлари.
13. Назорат-тафтиш бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқ бошчилик қилади.
14. Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқ бошчилик қилади. Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи айни вақтда Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.
15. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқлар бошчилик қилади.
16. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқлар бошчилик қилади. Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлимлари бошлиқлари айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари ҳисобланади.

VIII. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари ишини ташкил этиш

17. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ва Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган йиллик режалар бўйича амалга оширади.
18. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари зарур ҳолларда молиявий органлар ва бюджет муассасалари фаолиятини режадан ташқари тафтиш қилади ва текширади, махсус ваколатли органнинг рухсати бўйича эса хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади ва текширади.

IX. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари кадрлар таркиби

19. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари кадрлар таркиби барқарор ҳаётий принципларга эга бўлган юқори малакали мутахассислардан ва иқтисодиёт олий ўқув юрғларининг профессионал тайёргарлик кўрган ёш битирувчиларидан бутланади.
20. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ходимлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари бошлиқлари ат-

тестацияси ҳар 3 йилда ўтказилади. Аттестацияни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

**Х. Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғининг ва
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
назорат-тафтиш бошқармалари бошлиқларининг ҳуқуқ ва
мажбуриятлари**

21. Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи ўзига юкланган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбариятига ходимларни ишдан бўшатиш ва ишдан ишга ўтказиш тўғрисида таклифлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ҳамда лавозимга кўтариш, рағбатлантириш ва интизомий жазолар қўллаш, ходимларнинг хизмат сафарларига бориши тўғрисида буйруқлар чиқариш;

хатлар, хизмат гувоҳномаларини ва ходимларга тафтишлар ва текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи бир марталик ёзма кўрсатмаларни имзолаш.

22. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаси бошлиқлари қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

назорат-тафтиш бошқармалари ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ва ишдан ишга ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ рағбатлантириш ва интизомий жазоларни қўллаш, ходимларнинг хизмат сафарларига бориши бўйича буйруқлар чиқариш;

хатлар, хизмат гувоҳномаларини ва ходимларга тафтишлар ва текширишлар ўтказиш ҳуқуқини берувчи бир марталик ёзма кўрсатмаларни имзолаш.

23. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаси бошлиқлари ўзларига юкланган вазифаларни амалга оширишда қуйидагиларга мажбурдир:

назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаси ишини пухта ташкил этиш;

тафтишлар ва текширишлар ўтказишда қонун ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлаш;

амалий малака оширишга, ижро ва меҳнат интизоми мустаҳкамланишига қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат сири сақланишини ва олиб борилаётган ишлар махфийлиги режимини таъминлаш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

173 Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Нақд пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш, аҳолининг бўш пул маблағларини минтақавий ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун қўшимча равишда жамлаш, пул-буюм лотереялари ўтказишни фаоллаштириш ва уларни ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига пул-буюм лотереялари ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини тартибга солиш функцияси юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига пул-буюм лотереяларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Халқ банки томонидан пул-буюм лотереяларини ўтказишни ташкил этишдан олинadиган даромадлар аҳолининг бўш маблағларини омонатларга жалб этиш ишларини фаоллаштиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда унинг тасарруфида қолади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида минтақавий лотереяларни ташкил этиш бўйича ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги тузилмалар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин, уларга қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

минтақавий лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларнинг ҳар хил турларини ташкил этиш ва ўтказиш;

хайрия ташкилотлари ва жамғармалари томонидан ташкил этиладиган лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказишда қатнашиш;

лотереяларни ўтказишдан олинadиган даромадларни минтақаларда соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли манзилгоҳларини ободонлаштириш ва уларнинг инфратузилмасини такомиллаштириш, бошқа ижтимоий дастурларни рўёбга чиқариш чора-тадбирларини амалга ошириш учун қўшимча манба сифатида жамлаш.

4. Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Устав фондининг энг кам миқдори лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун камида 100 млн. сўм миқдорида белгилансин, устав фондининг кўрсатиб ўтилган энг кам миқдори юқорида кўрсатилган фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олишга ариза бериш вақтигача шакллантирилиши керак.

Белгилансинки, мазкур қарор қабул қилингунга қадар лотереяларни ташкил этиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган юридик шахслар 2003 йил 1 декабргача ўз устав фондлари миқдорини ушбу бандда кўрсатилган энг кам миқдорга мувофиқлаштиришга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда лотереяларни ташкил этишни амалга оширувчи барча юридик шахсларни, лицензияларни тегишли равишда қайта расмийлаштирган ҳолда, 2003 йил 15 декабр-гача қайта рўйхатдан ўтказсин.

6. 2003 йил 1 январдан бошлаб даромад (фойда)дан олинadиган солиқ, мол-мулк солиғи, экология солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ,

инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ тўлови ўрнига юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензияга мувофиқ лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказишдан олинган ялпи тушумининг 20 фоизи миқдорда ягона солиқ жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этишдан ялпи тушумдан ягона солиқни ҳисоблаб чиқиш тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензияга мувофиқ лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар мазкур фаолиятдан олинган ялпи тушумни алоҳида ҳисобга оладилар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги минтақавий лотереяларни ташкил этиш бўйича ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги тузилмалар бўшаётган маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорларига қўра минтақани ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари ва дастурларини амалга оширишга мақсадли йўналтирган ҳолда лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этишдан ялпи тушумдан ягона солиқ тўлашдан озод қилинадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лотерея ўйинлари ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1997 йил 19 сентябрдаги 444-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 9-сон, 31-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 15 ноябрь,
396-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 15 ноябрдаги 396-сон қарорига
ЙЛОВА

Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом лотерея ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом мақсадлари учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

лотерея ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин (кейинги ўринларда матнда ўйин деб юритилади) — юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ўйин билетларини тарқатиш, ставкалар қабул қилиш йўли билан жалб қилишни назарда тутувчи таваккалчиликка асосланган ўйин, улар бўйича тушган маблағларнинг бир қисми ўйин қатнашчиларига буюм ёки бошқа ютуқлар ҳолида ўйин (тираж) натижаларига кўра тўланади;

ўйин билети — ўйин қатнашчиси ўйин қийматини тўлаган ҳолда ўйин ташкилотчиси билан шартномавий муносабатларга киришганлиги ва ўйинни ўтказиш шартларига мувофиқ ўйинда қатнашишдан далолат берувчи махсус бланка (карточка, купон, квитанция, жетон ёки бошқа хилдаги ахборот манбаи);

ўйин (тираж) — ютуқларнинг ўйин қатнашчилари ўртасида тасодифий тақсимланиши. Лотерея билетининг ҳар биттасига (ёки тикилган пулга) ўйин шартларида назарда тутилган ютуқларни олишнинг тенг имконияти (тенг эҳтимоллиги) ўйиннинг асосий принципи ҳисобланади. Ўйинларнинг ушбу принциплар бузилган ҳолда ўтказилиши тақиқланади;

тираж жиҳозлари — ўйин (тираж)ларни ўтказишда фойдаланиладиган ҳамда лицензия талабларининг ва ушбу жиҳозлар турига лицензияловчи орган томонидан белгиладиган шартларнинг бажарилишини таъминловчи махсус жиҳозлар (механик, электрон ёки бошқа техника жиҳозлари);

ўйин автомати — ўйин залига ўрнатилган ва таваккалчиликка асосланган, пул (буюм) ютуқли ўйинлар ўтказиш учун фойдаланиладиган, ўйин ташкилотчиси вакилларининг кўрсатиб ўтилган тадбирлардаги иштирокисиз, ставкалар қабул қилиш, ўйинни ўтказиш ва ютуқларни ҳисоблаш (бериш) бўйича комплекс тадбирларнинг ўтказилишини таъминловчи махсус жиҳоз (механик, электрик, электрон ёки бошқа техника жиҳози);

ўйин ташкилотчиси (ёки муассис) — лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳамда ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирларнинг бутун комплексини ўтказишни ташкил қилувчи ва маблағ билан таъминловчи юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси резиденти;

ўйин қатнашчиси — ўйин қийматини тўлаган, ўйин ташкилотчиси билан шартномавий муносабатларга киришган ва ўйинда уни ўтказиш шартларига мувофиқ қатнашувчи юридик ёки жисмоний шахс;

лицензияловчи орган — лотереяларни ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли орган;

ўйинни ўтказиш шартлари (кейинги ўринларда Шартлар деб юритилади) —

лицензияловчи орган томонидан тасдиқланадиган, ўйинни ўтказиш шартлари ва тартибини белгилайдиган, ўйин ташкилотчиси, қатнашчилари ва лицензияловчи орган ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат;

ютуқлар (мукофотлар) фонди — ўйинларни ўтказиш Шартларида лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган ўйин қоидаларига мувофиқ ютуқларни тўлаш учун мўлжалланган пул маблағлари суммаси ёки пул ифодасидаги мол-мулклар.

II. Ўйинларни ўтказиш тартиби

3. Ўйинлар ўйинларни ўтказиш бўйича тадбирларнинг бутун комплексини ташкил этувчи ва маблағ билан таъминловчи бир ёки бир нечта ташкилотчилар томонидан ўтказилиши мумкин.

4. Фаолиятнинг асосий тури ўйинлар ўтказиш ҳисобланмайдиган юридик шахс ташкилий қўмита ташкил этиши шарт, унга ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирларнинг бутун комплексини амалга ошириш юкланади.

5. Ўйинларни ўтказиш асосан қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

а) тираж лотереялари, бунда тартиб рақамлари қўйилган (зарурат бўлганда, сериялар ва разрядларга бўлинган), улар бўйича олдиндан белгиланган вақтда ютуқлар ўйини ташкил қилинадиган лотерея билетлари чиқарилади. Бунда ўйин билетлари сони, битта ўйин билетининг қиймати, тиражларни ўтказиш вақти, пул, буюм ёки бошқа ютуқлар миқдори ва сони лотереялар чиқарилгунгача белгиланади;

б) бир лаҳзали лотереялар, бунда лотерея билетлари уларни бузмасдан ютуқ чиққан ўйин билетларини аниқлашни тўлиқ истисно қилувчи ёпиқ ҳолда ютуқлар олдиндан белгиланган ҳолда чиқарилади. Қатнашиш натижалари ўйин билети сотиб олингандан ва у очилгандан (ҳимоя қатламини ўчириш, ўйин билетининг бир қисмини кесиш ёки қирқиб олиш) кейин дарҳол аниқланади;

в) сонли (тизимли, электрон) лотереялар (бинго, лотто ва тотто), улар пасив ва актив лотереяларга бўлинади. Пассив сонли лотереяда қатнашишни хоҳловчи шахс олдиндан сонлар, белгилар ёки бошқа қайдлар олдиндан кўрсатилган ўйин билетларини белгиланган қиймати бўйича сотиб олади. Актив сонли лотереяда қатнашишни хоҳловчи шахс махсус бланкада ёки бошқа йўл билан йўл қўйиладиган натижалар йиғиндисидан тиражнинг мумкин бўлган натижасини танлайди (ставка белгилайди), у ўйин ташкилотчиси томонидан танланган ставкалар рўйхатдан ўтказилгандан ва ставкаларга мувофиқ келувчи тиражда қатнашиш қиймати тўлангандан кейин лотерея қатнашчисига айланади.

Сонли лотереялар тиражи сонлар, белгилар, бошқа қайдлар ёки уларнинг комбинацияларини тасодифий танлаш йўли билан, шунингдек Шартларда назарда тутилган у ёки бу воқеалар натижасида амалга оширилади.

Ютуқ чиққан билетлар (пассив сонли лотереялар бўйича) ва ютуқли ставкалар (актив сонли лотереялар бўйича), шунингдек тегишли ютуқларнинг миқдори тираж натижаларининг ўйин билетларида белгиланган натижаларга тўлиқ ёки қисман мос тушишига кўра аниқланади;

г) тотализаторлар (спорт лотереялари), уларда қатнашчилар назарда тутилган мусобақалар (спорт мусобақалари, қувишлар, югуришлар, отда чопишлар ва воқеалар) натижаларини олдиндан тўғри айтиб беришлари керак. Қатнашчилар рўйхати тотализатор қатнашчиларига олдиндан, ушбу мусобақалар бошлангунгача маълум қилинади;

д) классли лотереялар, бунда ўйин билетлари бир нечта қисмга бўлинади, бу қисмларнинг ҳар бири бўйича алоҳида ўйинлар ўтказилади. Бунда ўтказиладиган

ўйинларнинг бирортасида қатнашиш учун классли лотерея қатнашчиси олдинги классли ўйин билетлари бир қисмининг қийматини тўлаши зарур. Ўйиннинг тўлиқ билети эгаси барча тиражларда қатнашади;

е) комбинациялаштирилган лотереялар (ўйинлар), уларда турли шакллардаги лотереялар ва ўйинлар элементлари ва принципларидан қисман ёки тўлиқ фойдаланилади;

ж) ўйин автоматлари залини ташкил этиш — махсус бинога муайян миқдордаги ўйин автоматларини ўрнатиш йўли билан амалга оширилади. Бунда ўйин қоидаси, мукофот фонди миқдори, ютуқлар рўйхати ва ҳар бир ўйин автоматидида белгиланган ўйиннинг бошқа тавсифлари ўйин автоматлари залини ташкил этиш шартларида муфассал ёзилган бўлиши керак.

6. Ўйинларни ўтказиш тартиботи, ўйин автоматлари залини ташкил этишдан ташқари, қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ташкилотчи (ёки ташкилотчилар) томонидан молиявий мажбуриятлар ҳажмларини тақсимлаган ҳолда ўйинни ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

б) зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва ташкилотчи (ёки ташкилотчилар) томонидан Шартларни тасдиқлаш;

в) тайёрловчи корхоналар билан ўйин билетлари тайёрлаш юзасидан шартномалар тузиш ва уларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек тайёрловчи ташкилотлар билан, савдо ёки бошқа ташкилотлар билан Шартларга мувофиқ буюмлар (ёки пул бўлмаган) ютуқлар сифатида назарда тутилган товарларни етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) юзасидан шартномалар тузиш;

г) фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шуғулланиш ҳуқуқига махсус рухсатнома (лицензия) олиш (ўйинни биринчи марта ўтказиётган ташкилотчиларга лицензия Шартларни тасдиқлаш билан бир вақтда берилади);

д) лицензияловчи органда Шартларни тасдиқлаш;

е) ўйин билетларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш, ставкалар қабул қилиш;

ж) лотереялар тиражларини ёки бошқа ўйинларни ўтказиш, ставкалар қабул қилинган ёки гаровлар тузилган воқеалар натижаларини аниқлаш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш (агар бу Шартларда назарда тутилган бўлса);

з) ютуқларни бериш;

и) лицензияловчи органга ҳар чораклик ҳисоботларни, шунингдек ўйинлар тугагач уларни ўтказиш натижалари тўғрисида тўлиқ ҳисобот тақдим этиш.

7. Ўйин билетларида қуйидаги реквизитлар бўлиши керак:

ўйин ташкилотчиси (ташкилотчилари)нинг номи, унинг (уларнинг) тўлиқ манзили;

ўйиннинг номи;

ўйинда қатнашиш қиймати;

тиражнинг ўтказилиш санаси ва вақти (тиражли лотереялар учун);

ютуқ фондининг миқдори (тиражли ва лаҳзали лотереялар учун — қўшимча равишда ютуқларнинг умумий сони ва миқдорлари);

ютуқларни тўлаш муддатлари ва жойи;

разрядлар, сериялар, тартиб рақамлари ва Шартларда назарда тутилган бошқа реквизитлар.

8. Ўйин автоматлари залини ташкил этиш тартиби, ўйин автоматларининг техник ва бошқа тавсифларига, белгиланган ўйинлар турларига талаблар, ўйин автоматларининг фаолият кўрсатишини назорат қилиш тартиби лицензияловчи орган томонидан тасдиқланадиган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиладиган алоҳида норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

III. Ўйинларни ўтказиш Шартларини тасдиқлаш тартиби

9. Ташкилотчи томонидан муайян ўйинни ўтказишга фақат фаолиятнинг лицензияланган тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган мазкур ўйинни ўтказиш Шартлари мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Ўйинларни ўтказиш Шартларини тасдиқламасдан ўйинлар ёки ютуқлар тиражи ўтказилиши лицензияланган фаолият турини лицензиясиз амалга оширишга тенглаштирилади.

10. Ташкилотчи томонидан лотереяларнинг навбатдаги чиқаришлари (турлари) ва бошқа ўйинлар Шартларини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлар лицензияловчи орган томонидан фақат ташкилотчи томонидан ўтказилаётган ўйинлар натижалари тўғрисида ҳар чораклик ҳисоботлар мунтазам тақдим этилган ҳамда лицензия талаблари ва ўйинларни ўтказиш Шартлари қўпол равишда бузилмаган ҳоллардагина кўриб чиқилади.

11. Ўйинларни ўтказиш Шартларини тасдиқлаш учун ташкилотчи томонидан лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ташкилотчининг Шартларни тасдиқлаш тўғрисидаги аризаси;

ўйинни ўтказишнинг раҳбар томонидан имзоланган ва ташкилотчиларнинг муҳри билан тасдиқланган икки нусхадаги Шартлари (у мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ишлаб чиқилади);

ўйинлар билетининг икки нусхадаги намунаси (макети);

ташкилотчи (ташкилотчилар)нинг ўйинни ўтказиш тўғрисидаги қарорининг тасдиқланган нусхаси, ташкилий қўмита таркиби (ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ), ташкилий қўмита аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши албатта кўрсатилган ҳолда. Бунда, агар ўйин бир нечта ташкилотчилар томонидан ўтказилса, қўшимча равишда ташкилотчилар ўртасидаги уларнинг молиявий ва бошқа мажбурияти ҳажмлари тақсимланган ҳолдаги шартнома нусхаси тақдим этилади;

тайёрловчи корхоналар билан ўйин билетларини тайёрлаш ва уларнинг ҳақиқийлиги бўйича экспертизасини ўтказиш юзасидан шартномалар нусхалари;

тайёрловчи корхоналар, савдо ёки бошқа ташкилотлар билан буюм (ёки бошқа пул бўлмаган) ютуқлар сифатида Шартномаларда назарда тутилган товарларни етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) тўғрисидаги (агар зарур бўлса) шартномалар нусхалари;

бошқа ташкилотлар билан ўйин билетларини тарқатиш ва улар бўйича ютуқлар бериш юзасидан шартномалар нусхалари (агар зарур бўлса);

белгиланган тўловлар ва божлар тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатлари нусхалари;

ўйинни таъминлаш учун ташкилотчининг ўз сармояси етарли бўлмаганда молия институтларининг кафолатномаси (агар зарур бўлса);

хизмат кўрсатувчи банкнинг ўйин ташкилотчисининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар, банклар кредитлари бўйича, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома.

12. Тақдим этилган Шартларни кўриб чиқишда лицензияловчи орган Шартларнинг алоҳида қоидалари ва кўрсаткичларининг тўғрилигига ўз баҳосини беришга ҳақлидир. Баҳолашда лицензияловчи орган чиқариш кўрсаткичлари, исталган асосий ва ёрдамчи ахборот келишиб олинганлигини ва ўйин ташкилотчиси ўз зиммасига мажбуриятлар оладиган суммани баҳолайди.

13. Ўйин турига ва ташкилотчининг молиявий аҳволига кўра, лицензияловчи орган томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ ўйин

ташкilotчиларига лицензия талаблари ва шартлари, шунингдек ташкilotчилар томонидан ўйинлар қатнашчилари олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи ўйин параметрлари юзасидан нормативлар белгиланиши мумкин.

14. Лицензияловчи орган амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган (ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган) ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмайдиган муддатда Шартларни тасдиқлаш ёки тасдиқлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Тасдиқланган Шартларга ўзгартириш ва қўшимчалар фақат лицензияловчи органнинг рухсати билан киритилиши мумкин.

Шартларга қўшимчалар ва ўзгартиришларни тасдиқлаш учун ташкilotчи лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Шартларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ариза;
ўйинлар ташкilotчиси (ёки ташкilotчилари)нинг Шартларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;

қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш зарурлигининг асосланганлиги;

Шартларга ўйиннинг барча ташкilotчилари томонидан келишилган ва тасдиқланган ўзгартиришлар ва қўшимчалар, икки нусхада;

ўйин билетларининг намуналари (макетлари), икки нусхада (агар қўшимчалар ва ўзгартиришлар ўйин билетларига киритилса);

белгиланган тўловларнинг тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхаси.

15. Тираж лотереялари бўйича Шартларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат тираж ўтказилгунгача киритилиши мумкин. Бунда тиражни ўтказиш муддатларининг ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

16. Лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган Шартларга ўйинларни ўтказишнинг қатнашчиларга нисбатан шартларини ёмонлаштирувчи ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг (тиражни ўтказишнинг тасдиқланган ёки эълон қилинган муддатлари, тираж ютуқларининг тасдиқланган сони ҳамда рўйхати ва бошқалар) киритилишига йўл қўйилмайди.

17. Ўйиннинг унинг концепцияси ва технологиясини ўзгартирувчи шартлари ўзгартирилган тақдирда бундай ўйинни ўтказиш Шартлари янги шартлар сифатида тасдиқланиши керак.

18. Шартларни ёки уларга ўзгартиришлар ва қўшимчаларни тасдиқлашни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатларни тақдим этиш;

маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги ва тақдим этилган ҳужжатлар мазмунининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларига мувофиқ эмаслиги;

ташкilotчининг лицензия талабларига ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ эмаслиги;

ташкilotчи томонидан ўйинни ўтказиш бўйича муаллифлик ишланмалари юзасидан бошқа ташкilotчилар ҳуқуқларининг бузилиши;

ўйин номининг, унинг шиорининг, ўйин билети макетининг илгари рўйхатдан ўтказилган ўйинга ўхшашлиги.

19. Шартларни тасдиқлаш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ўйин ташкilotчиси ўтказиладиган ўйин ҳажмининг 0,1 фоизи миқдорида йиғим тўлайди. Йиғим лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига тўланади. Илгари тасдиқланган Шартларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (чиқариладиган лотереялар умумий суммасининг ўзгартирилиши ва тўлдирилишидан ташқари, бунда йиғим тўлиқ миқдорда тўланади) йиғим ушбу Шартларни тасдиқлаш учун тўланган сумманинг ярми миқдорида тўланади.

20. Ташкilotчининг мансабдор шахслари Шартлардаги мавжуд маълумотларнинг

тўғрилиги, шунингдек ўйинни ўтказиш шартларига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.

21. Лицензияловчи орган ўйинни ўтказишнинг қонун ҳужжатларида ва ушбу Низомда белгиланган шартлари ва тартибига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

22. Лицензияловчи орган ўйиннинг ўтказилишини тўхтатиб қўйиш ёки муддатидан олдин тўхтатиш ҳуқуқига эга. Қуйидагилар ўйинларнинг ўтказилишини тўхтатиб қўйиш ёки тўхтатиш учун асос бўлиши мумкин:

тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳақиқий эмаслиги;

лицензияда белгиланган фаолият турига риоя қилинмаганлик;

ўйин ташкилотчисининг лицензия талаблари ва шартларига номувофиқлиги;

ўйинни ўтказишнинг тасдиқланган Шартлари ва тартибининг бузилиши;

ташкилотчининг ўйин қатнашчилари олдидаги мажбуриятлари бажарилмаслигига олиб келувчи молиявий аҳволининг ёмонлашиши;

лицензияловчи орган кўрсатмаларининг бажарилмаслиги.

Ўйинларни ўтказиш амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича ҳам тўхтатиб қўйилиши ёки тўхтатилиши мумкин.

23. Ўйинни ўтказишни тўхтатиб қўйиш ёки тўхтатиш тўғрисидаги қарор юзасидан ташкилотчи хўжалик судига шикоят қилиши мумкин.

IV. Ўйинлар билетларини тайёрлаш, сақлаш тартиби

24. Ўйин билетлари қимматли қоғозлар тайёрлаш учун лицензияга эга бўлган корхоналарда тайёрланиши ҳамда қалбакилаштиришдан камида олти даражали ҳимояга эга бўлиши керак. Лотереяларнинг актив турларини ва ўйинлар билетларини қатнашчи томонидан танланган тираж натижаларини рўйхатдан ўтказган ҳолда шакллантиришни назарда тутувчи ўйинларни ўтказишда ўйин билетлари бланқалари ҳимоялашнинг кам даражалари билан, ўйинлар (ставкалар) билетларини рўйхатдан ўтказишда ҳимоялашнинг зарур даражасига билетларда махсус кодларни ёки белгиларни кўрсатиш йўли билан эришиш шартларига риоя қилган ҳолда тайёрланиши мумкин. Тайёрловчи корхоналар томонидан ўйинлар билетларини тайёрлашга фақат ташкилотчида фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган Шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

25. Ўйинлар билетларини сақлаш махсус жихозланган биноларда, билетлар сақлалини таъминлаш бўйича албатта зарур чора-тадбирлар қўрилган ҳолда амалга оширилади.

26. Ўйинлар билетлари қайта санаб чиқилмасдан ва тайёрловчи корхоналарга, етказиб берувчиларга ёки ташувчиларга нисбатан эътирозлар ўз вақтида билдирилмасдан қабул қилинган ҳолларда ўйин билетларининг етишмаслиги ёки яроқсизланганлиги юзасидан моддий жавобгарлик ўйин билетларини қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибига амал қилишни таъминламаган ўйин ташкилотчисига юкланади.

27. Ўйин билетларини тарқатиш учун бериш, ҳисобга олиш ва ҳисобот масалалари ташкилотчининг ваколатига киради ва унинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

28. Ўйин билетлари чиқариш суммасини ва сонини кўпайтириб юборишга, шунингдек Шартларда белгиланган ўйинда қатнашиш қийматини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

V. Ўйинлар билетларини тарқатиш, ставкаларни қабул қилиш тартиби

29. Ўйинлар билетларини тарқатишга, ўйин бўйича ставкаларни қабул қилишга фақат лицензия олингандан ва Шартлар лицензияловчи орган томонидан тасдиқлангандан кейингина йўл қўйилади.

30. Ўйинлар билетларини тарқатиш, ўйин бўйича ставкаларни қабул қилиш ўзининг тарқатувчилар тармоғи орқали ёки шартнома асосида бошқа юридик ва жисмоний шахсларни жалб этиш йўли билан амалга оширилади.

31. Аҳоли ўртасида лотерея билетларини тарқатиш, ўйин бўйича ставкаларни қабул қилиш ихтиёрийлик принципига мажбурий риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

32. Ўйинни ўтказиш бўйича реклама компанияси Шартлар лицензияловчи орган томонидан тасдиқлангандан кейингина бошланади. Ўйинни ўтказиш бўйича реклама компанияси Шартлар лицензияловчи орган томонидан тасдиқланмасдан олдин ўтказилганда жавобгарлик реклама берувчи зиммасига юкланади.

Ўтказилиши тугалланган, тақиқланган ёки тўхтатиб қўйилган ўйиннинг реклама компанияси тегишли равишда тўхтатиб қўйилиши ёки тўхтатилиши керак.

Ўйин рекламаси уни ўтказиш шартларини бузмаслиги керак.

VI. Ўйинларни ўтказиш тартиби

33. Ўйинларни ўтказиш фақат ютуқли билетларни (ставкаларни) тасодифий танлаб олиш жараёнига инсон омилининг бирон-бир таъсирини тўлиқ истисно қилувчи технологиялар ва жиҳозларни қўллаган ҳолда амалга оширилади. Жиҳозларнинг соз ҳолатда бўлиши учун ўйин ташкилотчиси жавоб беради.

34. Тираж лотереялари ўйини лицензияловчи органнинг норматив ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади. Бошқа ўйинлар бўйича ўйинларни ўтказиш ва ўйин якунларини лицензияловчи органга тақдим этиш тартиби ушбу ўйинларни ўтказиш Шартларида белгиланади.

35. Ўйин телевидение орқали олиб кўрсатилган тақдирда ташкилотчилар ютуқларни аниқлаш тартиботини намойиш этган ҳолда бевосита эфирда тиражнинг ўзини олиб кўрсатилишини таъминлайдилар.

36. Ҳар қайси ўйин учун алоҳида жиҳозлар, безаклар, реквизитлардан фойдаланилади.

Реквизитдан (шарлар, бочонкалар комплектлари ва бошқалардан) ўйин мобайнида бир марта фойдаланилади.

VII. Ютуқ (мукофот) фондини шакллантириш ва тақсимлаш

37. Қуйидагилар ўйинлар бўйича ютуқлар бўлиши мумкин:

пул маблағлари;

буюм ютуқлари, бунда ютуқ эгаси унинг қийматини нақд пул билан олиш ҳуқуқига эга (агар Шартларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса). Битта буюм ютуғини унинг эгаси розилигисиз бошқаси билан алмаштиришга йўл қўйилмайди;

кўчар ва кўчмас мулк тарзидаги ютуқлар;

номоддий тусдаги ютуқларнинг бошқа турлари, кўчмас мулклар, айрим товарлар ва хизматлар, туристик саёҳатлар, санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар сотиб олиш бўйича имтиёзлар.

38. Ўйиннинг Шартларда кўрсатилган ва ўйин қатнашчилари маблағларининг тақсимланмаган қисмидан иборат бўлган ютуқ фонди ўйин ташкилотчисининг активи ҳисобланмайди ва унинг томонидан, қатнашчиларга ютуқларни тўлаш ёки беришдан ташқари, бошқа ҳеч қандай мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас.

Ютуқ фонди ўйин ташкилотчисининг мулки ҳисобланмайди ва ундан ташкилотчи мажбуриятлари бўйича қарзлар ундириб олиниши мумкин эмас.

39. Ўйинларнинг ютуқ (мукофот) фондлари куйидаги миқдорларда белгиланиши керак:

тиражли ва лаҳзали лотереялар учун — лотерея билетларини тарқатишдан олинган пул маблағлари суммасидан қатъи назар, чиқарилган лотереялар ҳажмининг камида 40 фоизи миқдорида;

лотереяларнинг бошқа турлари учун — тарқатилган лотерея билетлари (ёки қабул қилинган ставкалар, танланган комбинациялар) умумий суммасининг камида 40 фоизи миқдорида;

тотализаторлар учун — қабул қилинган ставкалар суммасининг камида 50 фоизи миқдорида, бунда оддий ставкалар бўйича ютуқларнинг энг кам тўлови амалга оширилган ютуқли ставкалар суммасининг 10 фоизидан кам бўлмаслиги керак;

ўйин автоматлари учун — қабул қилинган ставкалар суммасининг камида 60 фоизи миқдорида.

40. Буюм ёки бошқа пул бўлмаган ютуқларни назарда тутувчи ўйинларни ўтказишда ташкилотчилар ўйинларни ўтказиш бошлангунгача кўрсатилган тоифадаги ютуқларни сотиб олишга мажбурдирлар. Алоҳида ҳолларда (тиражли лотереялардан ташқари) ўйин хусусиятларига кўра лицензияловчи органнинг рухсати билан ютуқларнинг бир қисми ўйин ўтказилгандан кейин, лекин ўйиннинг ўтказилиш санасидан бошлаб 15 кундан кечикмай сотиб олиниши мумкин. Бундай ҳолларда ташкилотчилар лицензияловчи органга етказиб бериш юзасидан шартномаларни ва (ёки) ўйин ташкилотчиси томонидан ўз мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

41. Ютуқ фондининг қарз олинган маблағлар ҳисобига шакллантирилишига йўл қўйилмайди.

42. Ютуқ фонди маблағларини сақлаш тартиби ҳар хил тиражлар ютуқ фондларининг алоҳида сақланишини таъминлаши керак.

43. Ўйин билетларини тарқатишдан, ўйин бўйича ставкаларни қабул қилишдан тушган маблағлар, қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурий тўловлар амалга оширилгандан кейин, биринчи навбатда ўйиннинг ютуқ фондини шакллантиришга, ютуқлар бўйича тўловларни (буюм ютуқларини беришни) таъминлашга йўналтирилади.

Пул шаклидаги ютуқ фондини шакллантириш ўйин билетларини тарқатишдан, ўйин бўйича ставкаларни қабул қилишдан олинган маблағларнинг бир қисмини камида ютуқ фонди улуши миқдорида захира қилиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

44. Талаб қилиб олинмаган пулсиз шаклдаги ютуқлар ташкилотчида ёхуд ушбу мақсад учун шартнома асосида махсус жалб этилган юридик шахсда ютуқни тўлаш муддати тугагунгача сақланади. Ютуқни тўлаш муддати тугагандан кейин талаб қилиб олинмаган ютуқ фонди ижтимоий-хайрия мақсадларига, шу жумладан аниқ тарздаги ижтимоий дастурларни қўллаб-қувватлашга (болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналар, поликлиникалар ва шу кабиларга молиявий ёрдам учун) йўналтирилади, уларнинг аниқ йўналишлари ўйинни ўтказиш Шартларида назарда тутилади.

VIII. Билетларни йўқ қилиш тартиби

45. Ўйиннинг тарқатилмаган билетларини йўқ қилиш лицензияловчи орган,

жамоатчилик ва ўйин ташкилотчиси вакилларида иборат бўлган махсус комиссия томонидан амалга оширилади. Тиражли лотереяларни ўтказишда махсус комиссия тираж ўтказилишидан камида беш кун олдин тузилади.

46. Ўйин билетлари:

тираж ўтказиладиган пайтга келиб ўйин билетларининг бир қисми тарқатилмай қолган (тиражли ва сонли лотереяларнинг айрим турларида);

ўйин ўтказишни тугаллаш пайтига келиб билетларнинг бир қисми фойдаланилмай қолган;

ташкilotчи томонидан тайёрловчидан тайёр билетларни олишда ёки ўйинни ўтказиш жараёнида ўйин билетларида ўйинни Шартлар ва лицензияловчи орган талабларига мувофиқ тегишли тарзда ўтказишга халақит қилувчи брак (нуқсон) аниқланган;

ўйинни ўтказиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ муддатидан олдин тўхта-тилган ҳолларда йўқ қилинади.

47. Тиражли ва сонли лотереяларнинг айрим турларини ўтказишда тарқатилмаган ўйин билетлари комиссия томонидан йўқ қилиш далолатномаси тузилган ҳолда тираж ўтказилгунга қадар (ўйин Шартларида белгиланган муддатларда) йўқ қилинади. Йўқ қилиш далолатномаси йўқ қилинган билетларнинг барча реквизитлари албатта кўрсатилган ҳолда тўрт нусхада тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси тираж ўтказилгунга қадар мажбурий тартибда лицензияловчи органга тақдим этилади, далолатноманинг иккинчи нусхаси ўйин билетларини йўқ қилиш комиссияси раисидан, учинчи нусхаси — ўйин ташкilotчисидан қолади, тўртинчи нусхаси лицензияловчи органнинг белгиси билан тираж бошлангунга қадар бевосита тираж комиссияси раисига тақдим этилади, бу тиражни ўтказиш учун асос ҳисобланади.

48. Ташкilotчиларга боғлиқ бўлмаган айрим сабабларга кўра тарқатилмаган ўйин билетлари тиражни ўтказиш бошлангунга қадар йўқ қилинмай қолган ҳолларда комиссия ўйин билетларини муҳраб қўяди ва йўқ қилинадиган ўйин билетларининг барча реквизитларини, шунингдек уларнинг йўқ қилинишига халақит берган сабабларни кўрсатган ҳолда тегишли далолатнома тузади. Муҳраш (пломбалаш), Шартларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, лицензияловчи орган вакили бўлган комиссия аъзоси томонидан амалга оширилади. Далолатноманинг бир нусхаси тираж ўтказилгунга қадар мажбурий тартибда лицензияловчи органга тақдим этилади, далолатноманинг иккинчи нусхаси ўйин билетларини йўқ қилиш комиссияси раисидан, учинчи нусхаси — ўйин ташкilotчисидан қолади, тўртинчи нусхаси лицензияловчи органнинг биринчи нусха олинганлиги тўғрисидаги белгиси билан тираж бошлангунга қадар бевосита тираж комиссияси раисига тақдим этилади, бу тиражни ўтказиш учун асос ҳисобланади.

49. Бир лаҳзали лотерея билетлари сериялар (чиқаришлар, разрядлар, туркумлар) бўйича, уларда ишлаб чиқариш браки ва бошқа нуқсонлар аниқланган, ютуқлар белгиланган ўйин чизигининг ҳимоя қоплами ёки махсус таниб олиш кодлари зоналари қисман ёки тўлиқ бузилган, лотерея билетлари қалбакилаштиришдан ҳимоя қилиш талабларига мувофиқ бўлмаган, шунингдек лотерея билетлари реквизитлари Шартларда тасдиқланган реквизитларига мувофиқ бўлмаган истисно ҳолларда, ушбу серия (чиқариш, разряд, туркум) тарқатилмасдан, йўқ қилинади.

50. Бир лаҳзали лотереяларнинг ўйналмаган билетлари мазкур Низомнинг 46-бандида назарда тутилган тартибга ўхшаш тартибда йўқ қилинади. Ташкilotчи томонидан тўловга тақдим этилган ютуқ чиққан билетларнинг йўқ қилинишига фақат ютуқ чиққан билет эгаси бўлган қатнашчига ютуқ тўлиқ тўлангандан кейин йўқ қўйилади. Бунда майда ютуқ чиққан ўйин билетлари уларнинг тўпланишига қараб, ютуқ тўланган санадан бошлаб камида бир ойдан кейин йўқ қилинади, йирик ютуқ чиққан ўйин

билетлари эса ютуқни тўлаш (бериш) санасидан бошлаб даъво аризаси бериш муддатидан олдин йўқ қилиниши мумкин эмас.

51. Бошқа ўйинлар билетлари ўйинни ўтказишнинг тасдиқланган Шартларида назарда тутилган тартибда йўқ қилинади.

IX. Ютуқларни тўлаш тартиби

52. Ютуқларни тўлаш (бериш) тартиби, муддатлари ва шартлари лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган Шартларга мувофиқ белгиланади.

53. Ютуқ чиққан ўйин билетларини лицензияловчи органга (ёки унинг ваколатли вакилига) тақдим этишнинг Шартларда белгиланадиган муддати тираж ўтказилган ёки ўйинни ўтказиш тугаган кундан бошлаб уч ойдан кам бўлмаслиги керак.

Ютуқларни тўлаш (бериш) муддати ютуқ чиққан билет тўловга тақдим этилган санадан бошлаб уч ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ютуқ чиққан билетларни тўловга тақдим этишнинг Шартларда белгиланган муддатлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

54. Қалбакилаштиришнинг олдини олиш мақсадида ташкилотчининг ёки лицензияловчи органнинг хоҳишига кўра ўйиннинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган ҳар қандай билети тегишли экспертизадан ўтказилиши мумкин.

55. Ўйиннинг ютуқ чиққан билетлари экспертизаси ўйин ташкилотчиси ёки, зарурат бўлганда, тайёрлаган корхона томонидан ютуқ чиққан билет тўловга тақдим этилган кундан бошлаб бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

X. Ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартиби

56. Ўйинларни ўтказишнинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юритилади.

57. Ташкилотчи томонидан ҳар чоракда, ҳисобот даври тугагандан кейин 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда лицензияловчи органга ҳисоботлар тақдим этилади (2-илова).

Ўйинларни ўтказиш Шартларида, ўтказилаётган ўйиннинг хусусиятига қараб лицензияловчи органга тиражлар ва ўйинларни ўтказиш натижалари, муайян разрядлар, сериялар, чиқаришлар яқунлари тўғрисида Шартларда келишилган муддатларда ва шаклда мажбурий тартибда қўшимча ахборот (оралиқ ҳисобот) тақдим этиш тартиби назарда тутилиши мумкин.

Ўйинни ўтказиш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни имзолаган мансабдор шахслар ундаги маълумотларнинг тўғрилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

58. Лицензияловчи орган исталган маълумотларни, шу жумладан махфий маълумотларни ҳам (бир лаҳзали лотереялар учун — гаровномани, тарқатилмаган ёки яроқсиз билетларни йўқ қилиш, сотилган билетлар ва қабул қилинган ставкалар миқдори, тарқатиш учун берилган ўйин билетлари миқдори, ютуқларни тўлаш (бериш), ташкилотчиларнинг молиявий аҳволи ва бошқалар), ўйинни ўтказиш билан боғлиқ материалларни талаб қилиб олиши, шунингдек билетларни тарқатиш ва ўйинни ўтказиш жойларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказиши мумкин.

59. Лицензияловчи орган амалдаги қонун ҳужжатларининг ва ушбу Низомнинг бузилишига йўл қўймаслик мақсадида ўйинларни ўтказишнинг бориши устидан назоратни таъминлашга мажбурдир.

60. Лицензияловчи орган ўйин қатнашчиларининг, ўйинларни ўтказиш жараёни қатнашчиларининг амалдаги қонун ҳужжатларининг ёки ўйинни ўтказишнинг ушбу Низомда белгиланган тартибининг ёхуд лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган Шартларнинг ўйин ташкилотчилари томонидан бузилишларига оид шикоят ва аризаларини қабул қилади.

61. Лицензияловчи орган ўйинни ўтказиш жараёни қонун ҳужжатлари, ушбу Низом ёки лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган Шартлар бузилган ҳолда ўтказилган тақдирда ўйинни ўтказиш жараёнини тўхтатишга, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки тўхтатишга ҳақлидир.

Ўйинни ўтказиш жараёни тўхтатиб қўйилган тақдирда ташкилотчи тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган бузилишларни 30 кун муддатда бартараф этишга мажбурдир, шундан кейин ўйинни ўтказиш жараёни лицензияловчи органнинг махсус руҳсатномасига биноан давом эттирилиши мумкин.

Акс ҳолда лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш (тўхтатиш) ҳуқуқига эга ва тегишли фаолият тўхтатиладиган муддатни белгилайди.

62. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган ёки тўхтатилган ҳолларда лицензияловчи орган ташкилотчидаги мавжуд сотилмаган билетларни олиб қўйиши, лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган, сотилган (шу жумладан бошқа юридик ва жисмоний шахсларда тарқатишда бўлган) ўйин билетлари, қабул қилинган ставкалар ҳамда тўловга тақдим этилган ютуқлар суммасидан ортиқ бўлмаган суммадаги пул маблағларини сўзсиз ундириб олиши, уларни ваколатли банкларда очилган махсус ҳисоб рақамларига ўтказиши мумкин.

Ташкилотчидан аҳоли ўртасида тарқатилмаган ўйин билетларини олиб қўйиш билетларни қайта санаш ва рўйхатга олиш йўли билан амалга оширилади, кейинчалик улар тахланади, пломбланади ва сақлаш учун қўйилади.

Тарқатилган ўйин билетлари ва қабул қилинган ставкалар бўйича маблағларни қайтариш уларнинг эгаларининг лицензияловчи органга ёки унинг ваколатли вакилига билетлар тақдим этилган аризалари асосида амалга оширилади. Маблағлар лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган миқдорларда ва муддатларда, махсус ҳисоб рақамида жамланган суммадан келиб чиққан ҳолда қайтарилади. Билет эгаларининг маблағларни қайтариш тўғрисидаги аризалари фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган даъво аризаси муддатлари доирасида қабул қилинади. Даъво билдириш муддатлари ўтиб кетган тақдирда талаб қилиб олинмаган маблағлар қолдиғи республика бюджети фойдасига ундирилади.

Ташкилотчидан олиб қўйилган ва харидорлардан олинган билетлар лицензияловчи орган томонидан белгиланган тартибда, лицензияловчи орган раҳбари ёки унинг топшириғига биноан лицензияловчи органнинг масъул ходими имзоладиган тегишли далолатнома тузилган ҳолда йўқ қилинади

Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган
ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги Низомга
1-ИЛОВА

Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказиш шартларига киритиладиган маълумотлар ва ҳужжатлар

I. Ўйин ташкилотчилари тўғрисидаги асосий маълумотлар (ҳар бир ташкилотчига тузилади)

1. Ташкилотчининг юридик шахс сифатидаги мақоми, унинг рўйхатдан ўтказилган тўлиқ ва қисқартирилган номи. Рўйхатдан ўтказилган сана ва тартиб рақами, рўйхатдан ўтказган органнинг номи.
2. Ташкилотчи жойлашган жой (почта манзили), банк реквизитлари, телефони.
3. Ўйинни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги ташкилотчи раҳбарларининг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими, телефон рақамлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати.
4. Лотерея ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишдаги олдинги тажрибалар тўғрисида қисқача маълумот.

II. Ташкилотчиларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар (ҳар бир ташкилотчига тузилади)

1. Ташкилотчи мол-мулкнинг қисқача тавсифи ва фаолиятининг асосий турлари.
2. Корхонанинг бухгалтерия баланси, охириги ҳисобот санасидаги фойдалар ва кўрилган зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.
3. Ташкилотчида солиқларга оид ва бошқа имтиёзлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.
4. Ташкилотчида ҳужжатларни лицензия берувчи органга тақдим этиш пайтидаги солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.
5. Банк кредитлари бўйича қарзлар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:
банкнинг қисқа муддатли кредитлари (жумладан, тўлов муддати ўтказиб юборилганлари);
тўлов муддатлари бўйича тақсимланган ҳолдаги банкнинг узоқ муддатли кредитлари (шу жумладан тўлов муддати ўтказиб юборилганлари);
кредиторлик қарзларининг умумий суммаси (шу жумладан тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзлар).
6. Ташкилотчига охириги уч йил мобайнида давлат бошқарув органлари ёки суд томонидан солинган маъмурий ва иқтисодий санкциялар тўғрисидаги маълумотлар. Бундай маълумотларда қуйидагилар бўлиши керак:
санкция солинган сана;
санкция солган орган;
санкция солиш сабаблари;
санкцияларнинг тури;
санкциялар миқдори;
санкцияларнинг ўйинни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдаги бажарилиши даражаси.

III. Ўйинни ўтказиш шартлари

Ўйин тўғрисидаги умумий маълумотлар:

ўйин тури;

ўйинни ўтказиш мақсади;

ўтказиладиган ўйиннинг умумий ҳажми;

чиқариладиган билетларнинг сони, уларнинг тартиб рақамлари (разрядларга, серияларга, тартиб рақамларига тақсимланган ҳолда ва бошқалар);

ўйинда қатнашиш (лотерея билети, ставка) қиймати;

ютуқ фондининг суммаси;

буюм, пул ютуқлари ёки бошқа хил ютуқларнинг тўлиқ рўйхати, уларнинг қиймати, сони, миқдорлари ва суммалари билан бирга.

2. Ўйинларни ўтказиш қоидалари:

а) Билетларни тарқатиш, ставкаларни қабул қилиш (масъул ижрочилар кўрсатилган ҳолда):

билетларни тарқатиш, ставкаларни қабул қилиш муддатлари;

ўйинни ўтказиш мўлжалланаётган ҳудуд ҳамда билетларни сотиш, ставкаларни қабул қилиш шохобчаларини ташкил этиш, жойлаштириш, уларнинг ишини режалаштириш тартиби;

ўйин билетларини тарқатиш, ставкаларни қабул қилиш тартиби (бу тартиб нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича билетларни сотиб олишни хоҳловчи ташкилотларга сотиш тартибини, билетларни аҳолига сотиш тартибини ўз ичига олади);

билетларни тарқатувчиларни танлаш, ўйин бўйича тушган тушумларни сақлаш, топшириш ва инкассация қилиш тартиби;

харажатлар сметасини илова қилган ҳолда билетларни тарқатганлик, ставкаларни қабул қилганлик учун ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби;

б) Ўйинларни ўтказиш (масъул ижрочилар кўрсатилган ҳолда):

ўйинни ўтказиш муддатлари;

ўйинларни ўтказиш қоидалари (келтирилаётган қоидалар Низомнинг 2-бандига мувофиқлигини тушунтирган ҳолда);

тиражни ўтказиш санаси ва жойи. Бир лаҳзалик лотерея ўйинлари ўтказилган ҳолларда лотерея билетларини сотиш муддатлари кўрсатилади;

сотилмай ёки яроқсиз бўлиб қолган билетларни йўқ қилиш тартиби ва муддатлари;

ютуқлар тиражини ўтказиш тартиби (тиражли лотереялар учун — лотерея тиражи лицензияловчи органнинг йўриқномаларига кўра, бошқа лотереялар учун — лотереяни ўтказиш шартларида келтирилган тартибга мувофиқ ўтказилади;

ютуқларни олиш муддатлари, жойи, шартлари ва тартиби.

3. Ўйинлар ўтказилишини таъминлаш (масъул ижрочилар кўрсатилган ҳолда);

билетларни тайёрлаш ва уларни экспертизадан ўтказиш шартномасининг асосий шартлари;

товарлар ва бошқа хил бойликларни сотиб олиш тартиби (буюм ёки пул-буюм ютуқлари ўйинлари ўтказишда ютуқлар рўйхати ўйин шартларига киритилган тақдирда);

лотереяларни тарқатувчилар билан намунавий шартнома;

ҳужжатларни расмийлаштириш, билетларни тайёрлаш ва тарқатиш, реклама қилиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш, ўйинни ўтказиш бўйича бошқа ташкилий-техник масалалар билан боғлиқ тадбирлар комплексини амалга оширувчи ташкилотчилар ўртасида вазифаларни тақсимлаш.

4. Маблағлардан фойдаланиш ва ҳисобот:

билетларни сотиш, ставкаларни қабул қилиш билан боғлиқ операциялар бўйича ҳисоб ва ҳисобот тартиби, ўйин бўйича лицензияловчи органга ҳисоботлар тақдим этиш санаси;

ўйинни ўтказиш натижасида олинган даромадни тақсимлаш тартиби (уни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни кўрсатган ҳолда);

тегишли асослаш билан бирга муайян мақсадга қаратилган, хайрия лотереялари учун лотереялар чиқариш йўли билан жалб қилинадиган маблағлардан фойдаланиш йўналишлари. Агар лойиҳа бирорта ихтисослаштирилган тузилмаларда экспертизадан ўтган бўлса, у ҳолда ушбу экспертизани ҳужжат билан тасдиқлаш зарур;

ўйинни ташкил этиш ва ўтказишда фаол қатнашган ходимларни рағбатлантириш учун мукофот жамғармасини ташкил этиш тартиби. Мукофот жамғармасидан тўлов фақат ўйин тиражи ўтказилгандан (бир лаҳзали лотереялар разряди ёки серияси сотиб бўлингандан) сўнг амалга оширилади.

Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган
ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги Низомга
2-ИЛОВА

Лотерея ўйинларини ўтказиш натижалари тўғрисида ҳисобот

(ўйиннинг номи)

200 _____ йилнинг (чораги/йил) _____ учун

I. Умумий маълумотлар:

лицензия эгасининг номи;

ўйин ўтказишга асос бўлган лицензиянинг тартиб рақами ва берилган санаси;

ўйинни ўтказиш шартлари тасдиқланган сана;

лотерея билетларини тайёрлаган ташкилот (корхона)нинг номи;

тайёрланган лотерея билетларининг сони ва суммаси;

сотилган билетлар, қабул қилинган ставкалар (ҳисобот даврида ва чиқарила бошлангандан буён режа бўйича ҳамда амалда);

билетларни сотишдан, ставкалар қабул қилишдан тушган тушум (ҳисобот даврида ва чиқарила бошлангандан буён режа бўйича ҳамда амалда).

II. Ўйинлар натижалари:

ўтказилган ўйинлар (ўтказилган саналар, ўйинга қўйилган лотереялар (ставкалар)нинг сони ва турлари, бекор қилинган, йўқ қилинган ёки олиб қўйилган лотереялар, ставкаларнинг сони ва турлари);

тиражларни ўтказиш комиссияси таркиби ва жавобгар шахслар;

тиражни ўтказиш натижалари бўйича комиссиянинг ҳисоботи;

чиққан ютуқлар сони ва турлари (мукофотлар ва суммалар кўрсатилган ҳолда);

берилган ютуқлар (мукофотлар ва суммалар кўрсатилган ҳолда);

талаб қилиб олинмаган ютуқлар (мукофотлар ва суммалар кўрсатилган ҳолда);

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

билетларни йўқ қилиш ёки бекор қилиш комиссияси таркиби;
билетларни йўқ қилиш ёки бекор қилиш комиссиясининг ҳисоботи.

III. Яқуний молиявий кўрсаткичлар:

тарқатилган билетлар, қабул қилинган ставкалар сони ва тарқатишдан тушган умумий тушум;

ўйинни ўтказишга оид харажатлар, шу жумладан:

билетларни тайёрлаш, транспортда ташиш, етказиб бериш ва сақлаш учун (ҳисоб-китоб нархларига солиштирганда);

мукофотларни харид қилиш ва ютуқларни тўлаш учун (ҳар бир тури бўйича мукофотларни харид қилишнинг ҳисоб-китоб ва амалдаги нархларига солиштирганда);

билетларни тарқатувчи, ставкаларни қабул қилувчи шахсларга ҳақ тўлаш учун (режалаштирилган тўловларга солиштирганда);

реклама учун (смета бўйича харажатлар билан солиштирганда);

тиражларни ўтказиш харажатлари;

мукофот тўловлари;

бошқа харажатлар ва мажбурий тўловлар;

тўланган ва тўланиши керак бўлган солиқлар ҳамда бошқа йиғимлар, уларнинг суммаси, тўлаш муддатлари;

соф фойда;

фойдадан мақсадли фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот (мақсадли ўйинлар учун).

